



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ШАҲБА
СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 49 (9545).

• 1989 йил 11 март •

Баҳоси 5 тийин.

Сайлов тараддуди

МУАММОЛАРНИ САМАРАЛИРОҚ ҲАЛ ЭТАЙЛИК

«Риштон» кинотеатри залда Риштон район сайловчиларининг 123-Ленинград миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов билан учрашуви бўлди.

Учрашувга корхоналар, колхозлар, совхозлар меҳнат коллективларининг вакиллари, маҳалла комитетлари ва жамоат ташкилотларининг активлари келдилар.

СССР халқ депутатлигига номзоднинг ишончли вакили Риштон районидagi «Сўх» совхозининг директори Х. Мамажонов номзоднинг меҳнат ва партиявий фаолияти ҳақида йиғилиш аҳлига батафсил гапириб берди.

Учрашувда сўзга чиққан «Риштон» совхозининг директори Ф. Мамажонов, «Ленинград» совхоз картошкаторлик бригадасининг раҳбари Э. Қамбаров, врач Ш. Жўраббева, Навоий номи совхоз бригадирини Н. Ҳакимов, Риштон агрономот комбинатининг бош директори А. Аветисов Р. Н. Нишоновга бир қанча нақозлар беришди. Сайловчилар қишлоқда социал-маданий-маиший объектларни, жумладан, мада-

ния ва спорт саройини жадал қуриб битказиш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Сўнгра сайловчилар ҳузурида СССР халқ депутатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов сўзга чиқди. У билдирилган ишонч учун ташаккур айтиб, ўтган йилларнинг асосий сиёсий якуни жамиятимиз янгилашни ва туб ўзгартишлар йўлига қатъиян ўтиб олганлигидан иборат эканини таъкидлади. Коммунистик партия ҳозир рўй бераётган янгилашни жараёнларининг ташаббускори ва ташкилотчисидир.

Халқнинг тўла ҳокимиятини амалда рўйбга чиқариш қайта қуришнинг бош мақсадларидан биридир. Давлат ҳокимиятининг олий органига ҳозир ўтказилаётган сайлов бу ишга кўмаклашди. Қўзда республика ва маҳаллий даражалардаги Советларга сайлов ўтказилди. Советлар амалда тўла ҳокимият, иқтисодий жиҳатдан мустақил, обрў-эътиборли органлар бўлиб қолиши учун ҳозирнинг ўзидаёқ зарур чора-тадбирлар қўйилмоқда.

Қайта қуриш энг масъулиятли босқичга кирди — у режалар ва программалар соҳасидан энди практикага ўтмоқда, иқтисодий тараққиётнинг реал жараёнларига кириб олмоқда. Бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизда ҳам ўзгартишлар жараёни кучая бошлади: маънавий-психологик вазият соғломлашмоқда, экономика ва социал соҳада ижобий силжешлар рўй бермоқда.

Республика партия ташкилотига қайта қуришни ўзидан, масъулиятни оширишдан ва ўзини ўзи поклашдан, коммунистларга нисбатан талабчанликни кучайтиришдан бошлади. Кадрлар состави анча янгиланди, партия аппаратини қайта қуриш ишхосига етказилди, унинг сони қисқартирилди.

Республика партия ташкилотига ўзининг бутун куч-қайратини қайта қуришни жадаллаштиришга онд қарорларнинг амалда бажарилишига: туб иқтисодий ислохотни турмушга татбиқ этишга, озиқ-овқат, уй-жой программаларини ва бошқа социал муаммоларни тўла-тўқис ҳал этишга сафарбар қилаётганини СССР Халқ депутатлигига номзод уқтириб ўтди. Партия ташкилотлари миллатлараро муносабатларни та-

комиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Урта Осиё республикалари, Қозоғистон, барча қардош республикалар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни мустақамлаш юзасидан чора-тадбирлар қўйилмоқда.

Ўзбекистон экономикасини чўқур турғунлик ҳолатидан чиқариб олишнинг дастлабки нишонлари кўрина бошлади. Хўжалик ҳисоби, ижара, пудрат ҳаётга сингиб бормоқда. Пехта, шол, маккажўхори дони, картошка, сабзавот, полиз экинлари ҳосили 1987 йилга нисбатан кўпроқ олинди. Социал мақсадлар ахшироқ ҳал этила бошлади. Ўтган йили 8 миллион квадрат метр, яъни 1985 йилга нисбатан икки миллион квадрат метр кўп уй-жой фойдаланиш учун топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати жўшқин эконимикани вужудга келтириш, Ўзбекистоннинг мамлакат ахлид халқ хўжалик комплексига қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш программаси лойиҳасини иттифоқ органларига топширилди. Шу асрнинг охиригача сановат ишлаб чиқариши ҳажминини, халқ ис-

теъмоал моллари ишлаб чиқаришни, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш белгиланган, ҳизмат соҳаси кенгайтирилади. Белгиланган режаларни бажариш учун зўр иқтисодий куч-қайрат зарур, ташаббускор, омилкор кишилар керак.

Фарғона областининг, жумладан, Риштон районининг меҳнатчилари ҳам бу ишга ҳисса қўшишлари лозим. Бунинг учун ҳамма имкониётлар бор. Бу ерда халқ хўжалигини ривожлантиришда яхшилик сари силжешлар кўриниб турибди. Бироқ, айни вақтда бошланган силжешлар ҳамиша ҳам пировад натижаларгача етказилмапти. Бинобарин, ҳозирги бош вазифа — партия, совет, хўжалик органлари, барча меҳнатчилар ишнинг оғирлик марказини амалий ишлар соҳасига ўтказишдан иборат. Қишлоқдаги ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларда туб ўзгартишлар қилишга изчиллик билан интилиш, хўжалик ҳисобини, ижара ва пудратни кенгроқ жорий этиш муҳимдир. Агросановат комплексининг структурасини такомиллаштириш масалаларига доимий эътибор бериб турилиши керак.

(Давоми 2-бетда).

• Номзод ва унинг программаси

КЛАРА БЎШ КЕЛМАЙДИ

коммунист сифатида коллектив иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. 1982—1988 йилларда цех партия ташкилотига секретарлик қилди. Икки марта Октябрь район Совети депутатлигига сайланди. Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг делегати бўлди.

Эндигина 30 баҳорни кўрган қиз учун бунчалар жамоат ишлари кўплик қилмайдими, дейишиниз мумкин. Йўқ, аксинча, коллектив унга қатта ишонч билдириб, СССР халқ депутатлигига номзодини кўрсатишди.

596-Тошкент-Акмал Икромов миллий-территориал сайлов округидан бир йўла уч кишининг номзоди рўйхатга олинди, — дейди Клара Рустомова, — Муҳокама жуда кескин ўтди. Олдинлари сайлов округидан фақатгина бир кишининг номзоди кўрсатишлар ва ўша охир-оқибатда депутат бўларди. Яшириб нима қиламан, менинг икки мартаёна депутатлик даврим ҳам ўшандай пайтга туғри келганди. Бу сафар бир неча номзод ўз фикрини ўтказиш учун курашди. Шундай шароитда менинг номзодим рўйхатдан ўтганидан жуда хурсандман.

— Кларахон, район Советининг депутатлиги сифатида анча тажриба ортиргансиз, СССР халқ депутати бўлсангиз, ишни нимадан бошлардингиз?

— Ишни болаларга гамхўр-

ликдан бошлаш керак, деб ўйлайман. Октябрь районидан олинган маълумотлар бу нақадар долзарб масала эканлигини кўрсатмоқда. Узингиз ўйлаб кўринг, районда 35 та богча бор. У 7 минг болага мўлжалланган. Лекин богчаларда ҳозирда 14 мингга яқин бола бор. Демак, нормадагидан икки баравар кўп. Бундан ташқари район бўйича яна 3 минг бола навабда турибди. Демак, болалар богчалари қурилишини икки баравар кўпайтирсак ҳам халқ эътиёжини қондира олмас эканмиз. Менимча, бу масалага зудлик билан жиддий ёндашиш керак.

Кларанинг депутатлик иш программасида ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, Тошкент шаҳрининг экологик аҳволи каби долзарб муаммолар ҳам ўрин олган.

Сайловолди йиғилишида Клара мана шулар ҳақида гапирётганида залдан кимдир лўлка ташлади:

— Ахир сиз район Советига эмас, СССР халқ депутатлигига номзодсиз. Программангиздан эса нуқул район муаммолари ўрин олибди!

Клара қисқа ва лўнда жавоб берди:

— Мамлакат миқёсида қайғуриш ўзинг туғулган ўсган ерга қайғуришдан бошланади. Энг муҳими одамлар депутатга ишонишлари учун, у ўз сў-

зининг устидан қишга ҳаракат қилиши керак.

Ўтган йили Ц-27 квартирининг 14-уйида яшовчи бир қария Кларага шикоят қилиб келиб қолди. «Қизим, бир йилдан бери бормаган жойим қолмади. Уйимнинг томиндан чакка ўтди. Тузатиб берадиган одам топиламаяпти. Депутат сифатида ёрдам бероласанми».

Клара қуруқ ваъда беришни ёмон кўради. Шу сабаб қарияга дарров жавоб қайтармади. У киши эса депутатга ишонқирамай қондан чиқиб кетди. К. Рустомова оз эмас-кўп эмас, уч ой Октябрь район уй-жойлар эксплуатацияси бошқармасига қатнади. Ҳатто бошқарма инженерини уни кўрса қочадиган бўлиб қолди. Лекин депутат бўш келмади.

— Охири қиш ўтиб, апрель ойидигани ҳалиги кишининг томининг ремонт қилиб беришди, — дейди Клара Рустомова, — унғача ҳалиги амакининг кўзига кўрнинишдан уялиб юрдим. Балки район Совети депутати бўлганим учун айрим бюрократларга сўзини ўтказоламангандирман. Лекин ким бўлишимдан, қайси вазифада ишлашимдан қатъий назар, оддий халқ учун қайишавераман. Унинг турмуши фаровонлашиши учун курашаман. Чунки ўзим ҳам оддий бир меҳнатқаш оилада вояга етдим. Улар ҳаёти менга яхши таниш.

Ш. ИСРОИЛОВ.



КЛАРА бугунги кунда нимага эришган бўлса қатъиятчилиги, меҳнатқашлиги билан эришди. Ахир бошқача бўлиш ҳам мумкин эди-ку. У отасидан жуда эрта айрилди. Болаларни ювиб-тараш, тарбиялаб вояга етказиш муштлар онаси зиммасида қолди. Онаси — Холбуви опанинг ўзи меҳнатқаш ишчи аёл эди. Шу сабаб фар-

зандларини ҳам меҳнатсеварликка ўргатарди.

Клара онасига эргашди. Урта мактабнинг 8-синфини битиргач, кечки мактабда таълим олди. Кейин фабрикага ишга келди. Мана ўн уч йилдирки, Клара Рустомова чарм-галантерей ва спорт буюмлари бирлашмасида ишлайди. У ўзи танлаган касбини ардоқлаб, ҳалол меҳнат қилибгина қолмай,

Муаммоларни самаралироқ ҳал этайлик

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқларда шаҳарлардагидан қолдириб қолган турмуш ва меҳнат шартларини яратиш лозим. Ҳозирча қишлоқлардаги аҳоли бизни ташвишга солмоқда: уйлар ҳозирги замон талаблари даражасида эмас, водопровод, канализация йўқ, медицина хизмати яхши йўлга қўйилмаган. Бунга тоқат қилиб бўлмади. Социал соҳани ривожлантириш учун жамияти мавжуд резервлар ва имкониятларни ишга солиш керак.

Фарғона области ривожланган саноат потенциалига эгадир. Шу потенциални асосан оғир комплексига янада тузувчи ёрдам бериши мумкин ва лозим. Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари, граждандарнинг боғ устаклари, шахсий хўжаликлари аниқгина мақсулот бериши мумкин. Мана шу имкониятларни ишга солиш керак.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бошқа бир катта муаммодир. Бу муаммони ҳал этиш учун Кувада велосипед заводи ва кондитер

фабрикаси, Марғилонда тикув машиналари ишлаб чиқарадиган завод, Қўқонда автокорлар ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган заводлар, Марғилонда ва Данғара посёлкасида тикувчилик фабрикалари қуриш режалаштирилмоқда.

Регионда аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун ҳамма шарт-шароит бор. Бу шарт-шароитдан фойдаланиш учун қуйида ташаббус бўлиш, меҳнат ғайрати ва интизом оширилиши керак. Инсон ва унинг манфаатлари ҳамда ўй-режалари бутун ишнинг марказида туриши лозим, деб таъкидлади СССР халқ депутатлигига номзод. Айнан мана шундай ёндашуш тузумимизнинг табиатига мос келади.

Одамлар билан ишлашда бўйқўбозлик усулларидан воз кечиш, бу ишни ишонтириш, сиёсий таъсир ўтказиш, одамлар билан расман эмас, балки оқилона, дилкаш сўхбатлашмиш кучи асосига қуриш эндиликда ғоявий-тарбиявий ишнинг мазмунини ташкил этади. Партия ва Совет органларининг фаолияти тўғрисида ошкоралик

кўпроқ бўлиши аҳоли кўпроқ хабардор қилиб турилиши керак.

Ҳозир турмуш принципиал янги муаммоларни ўртага қўймоқда, бу муаммоларни эски усуллар ёрдамида ҳал этиб бўлмайди. Ҳамма жойда янги-ча ёндашувлар, кўпгина оддий нарсалар ва ҳодисаларга сезгирлик билан назар ташлаш керак бўлади. Модомики, шундай экан, партия комитетларининг, халқ депутатлари Советларининг бутун фаолияти одамларнинг ижодий фикрини, уларнинг бунёдкорлик куч-ғайратини қўлғ урдириб юбориши керак.

Р. Н. Нишонов сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Фарғона области партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев ҳозир бўлди.

Р. Н. Нишонов 123-Ленинград миллий-территориал сайлов округи территориясида жойлашган Бағдод, Бувайда, Ленинград районларининг меҳнатчилари билан ҳам учрашди.

(УзТАГ).

ҲАММА — РЕСПУБЛИКА ҲАШАРИГА!

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бир қанча корхоналар, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 1989 йил 12 март кунини ободонлаштириш ва кўкамзорлаштириш юзасидан республика яшанбалиги ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўтган қишнинг қаттиқ келганини ҳисобга олиб, шу кунини шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, район марказлари, боғлар ва хибронлар территориясини тозалаш, дарахт кўчатлари ўтказиш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим бўлади. Бундан ташқари ирригация коллектор-завур шохобчалари ва ариқларни тозалаш зарур.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетига жойларда яшанбаликка пухта тайёргарлик қўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш юзасидан ипчи гуруҳларни тузиш топширилди. Бунинг учун меҳнат коллективларининг, маҳалла комитетларининг ва уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг куч-ғайратларини сафарбар этиш, яшанба кўни ўтказиладиган ҳашар қатнашчиларини зарур иш билан, иш қуроллари, кўчатлар билан таъминлаш, хўллас яшанбаликни чинакам меҳнат байрамига айлантириш учун ҳамма ишни қилиш тавсия этилди.

ҲАММА — ЯКШАНБАЛИККА, ҲАШАРГА!

• Йилқичилик: муаммо ва талаб •

НОТУҒРИ йўл тутиш, лоқайдлик, қалта ўйлаб иш қилишлик ижтимоий-хўжалик ҳаётида кўпгина йўлқотиларга олиб кетди. Минг йиллар давомида инсон оғирини енгил қилган, қудратли транспорт хизматини ўтаган норлар қани? Энди туяни район, область у ёқда турсин, республика миёнасида ҳам учрашмиш қийин.

Олиста бориб ўтирмайлик. 50-йилларнинг ўрталаригача районимиз хўжаликларида 200 га яқин туя бор эди. Нуқул машиналарга таъиниб, гигаит жониворин йўқотдик, унутдик. Жилла бўлмаса мақсулотни учун сақлаб қолганимиз. Энди бу тўғрида сўз юртишнинг аҳамияти ҳам йўқ, аслида. Лекин, унуттишлар, парвосизликлар зимдан секин-аста йилқичиликка ҳам раҳна соляпти. Гап ана шунинг устида боришти.

Шаҳар-ку майли, қишлоқларда ҳам от тўғрисида нима дейиш керак? От сўқада ер ҳайдаларди, лабогрекада ғалла, сенокосилкада бедапичан ўрилари, аравада, автокачада юк ташиларди. Техника отин оғир меҳнатдан «озод» қилди. Бу давр тақозоси, хўжалик фаолиятида ва турмушимизда кетган ўзгариш-юксалишларнинг шарофати, албатта.

Аммо, бу машиналар замонида отга ҳожат қолмади, деган маънони билдирмайдик! У йлгари ҳам фақат ипчи кучи бўлиб қолмаган. Узоқни яқин, мушкулни осон қиладиган энг ишончли улов бўлган. Халқимизнинг жуда кўп анъаналари отни севиш, ардоқлаш, йилқичиликни ривожлантириш тарзида тарқиб топан.

Районимиз хўжаликлари нинг ҳаммасида уюлда етиштирилган, йилқи орасидан таллаб олинган учқур отлар боқиларди. От спортга боғлиқ хилма-хил мусобақаларда ғолиб чиққан хўжаликка зотдор отларининг қўлини ёки озлигига ҳам қараб баҳо бериларди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, юрдошимиз Маноиб Исломов ҳукуматнинг юксак унвонига сойиб Энгельс номи, «Коммуна» совхозларида йилқичиликни ривожлантиришдаги шонли меҳнатлари натижасида сазовор бўлган эди. У кўп йиллар давомида ана шу хўжаликларда йилқичилик фермаларини бошқариб, ажойиб тулпорлар етиштирганди.

Кекса авлод кишилари ҳали ҳамон хўжаликларимизнинг йилловларидан етишиб чиққан Пангал, Жйронқашча, Чавқар, Қўқудон, Чапёл, Қоратўғри, Қамич қўлоқ лақабли тенги йўқ, районлар, областлараро пойға ва улуғ мусобақаларда ном чиқарган аргумокларини бир олам ҳавас билан эслашди. Отга ишқибозлик, удумларга эътиқод кишиларимизда азалдан кучли эди. Энг муҳим томонини отга иштиёқ, от миниш йиғитларини ёшлик чоғ-

лик автомашинига қўчиш. От спортга боғлиқ қадимий анъаналаримиз бора-бора барҳам топиб кетди. Революция қайта қуриш жамиятимиз ҳаётида содир бўлиб қолган ўтмиш хатоларини таътиб билан тугатишнинг аниқ йўлларини белгилаб берди. Бинобарин, биз хўжалик ва маънавий турмушимизда энг яхши удумларимиз қадриятларини тикламоғимиз, отга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоғимиз керак!

жуд 23 бош биядан 14 та кулунга эга бўлиш плани белгилангани ҳолда шу ҳам тўлиқ бажарилган эмас, 13 тада қолган. Қизил, йилқичилик иши шу зайдда давом этса, отлар тўғини қўлай-тириб бўладими?

Бир вақтлар хўжаликлари мизда 350—400 бошдан йилқи бўлган. Эндиликда эса ҳар бир совхозда кўни билан 200—210 бош ва ҳатто ундан ҳам кам йилқи асраляпти. Хулоса қилиб айтганда, район агросаноат бирлашма-

ни сўраб қўрингчи, килограмминини 10 сўмдан камига берармикан. Қимзининг литри 1 сўмдан ошади. Қисқаса йилқичиликдан ана шундай иш тутиш орқали самара олиш мумкинми, ахир. Бу тўғрида чуқурроқ ўйлашмо, ҳафсала билан иш юритиш керак.

Ички хўжалик ишларида от-аравадан фойдаланишни қайта ташкил этиш мақсада мувофиқ. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва активларнинг ички дала йўлларида улов сифатида отдан фойдаланиш транспорт харажатиини кескин камайтиришга ёрдам беради. Тасаввур этинг, совхозларда ҳодимларни олиб юриш учун енгил машиналарнинг узинга кўнига озмунча енгил, мойлаш ашёси, хўллас, амортизация харажати сарфланма-яптими? Бу жиҳатдан тежамкорлик йўлини отдан фойдаланиш очиб беради.

Мана, шулар тўғрисида чуқурроқ мушоҳада қилайлик. От-инсоннинг содиқ дусту. Халқимиз орасида: «От-йиғитнинг қаноти» деган азалдан қолган нақл бор. Бу ҳикматнинг маъзини қақиш, бебаҳо жониворга кишиларда меҳр уйғотиш керак. Районимизда йилқичиликни ривожлантириш учун моддий ва табиий шароит етарли. Фақат бу соҳага қўнғ билан қараш, хўжаликларда йилқичиликни ҳам чорванинг самарадор тармоғига айлантириш тақозо этилади. Отга ишқибозликни ҳамма жиҳатдан рағбатлантириш керак.

Партияимиз миллий ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш масалаларига жуда катта аҳамият беришти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси тарбиявий аҳамиятга молик энг яхши халқ анъаналари сифатида қўнқари, нойга сиғари от спортини ҳам оммалаштириш ва ривожлантириш тавсия этапти.

Зотан, қўриниб турibdiki, от одамзодга ҳамма вақт керак бўлган. Уни аждоқларимиз эъзозлаган, авайларган. Биз ҳам бу жониворни қадрлайлик, уюрларимизда қадим вақтлардаги сингари асил тулпорлар етиштириб бораёйлик.

М. ТУРСУНОВ,
Паркент райони.

АРҒУМОҚЛАР ҚАЙДАСИЗ?

ларидан эпичиликка, жасурликка ўратган. Зотан, номи кўпчиликка таниш Мирсидқ Миртожиев, Номозбой Норматов, Чатанбой Бойқороев, Яйлов Темиров, Кўчкин Оқбоев ва бошқа ўнлаб кишилар ёшликдан от билан шуғулланиш орқасида суҳратли чавандоз бўлишган.

Бир ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчиман: отдан ҳайиқадиган, эгарда ўтиришни, от жонини тутиниш билмаган қишлоқ йиғити уятга қоларди, тенгқурлари орасида азинг чекарди. Шунинг учун қишлоқ оилалари хонадонларидан ҳам от асраш, ўғилларининг от билан шуғулланиш учун имконияти яратишнинг иложини қиларди. Юқори синф ўқувчилари кўпгина дарсдан сўнг хўжаликларнинг отхоналарига бориб жониворларни парвариллашда отбоқарларга ёрдамлашардилар. Отларини сугоринишга олиб боришарди.

Бошқа районлардаги каби 60 ва 70-йиллар орасида районимизда зотдорлигига ҳам, ёшига ҳам қарамадан қанчадан-қанча айғир ва биялар арзонгачаро гўштга тошпириб юборилди, йилқичиликка эътибор жиддий сусайиб кетди, у яримланиб қолди. Ҳатто оилаларда ҳам катта солиқ солиш орқали таъинқ ўтказилиши натижасида от асраш тарк этилди, ундан қўнғил совуди.

Шу зайдда отга ишқибоз-

Йилқичиликни ривожлантириш бўйича ҳукумат қабул қилган қарор ва кўрсатмалар асосида кейинги вақтда районимиз хўжаликларида бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, отхоналар солинди, мавжудларни кенгайтирилди. Уюрлар қишлови учун кўпроқ ем-хашак ажратиладиган бўлди. Бироқ йилқичилик соҳасидаги ишларимиз ҳали таҳдид ва эҳтиёжларимиздан жуда орқада. Бунинг қўнғидан миёсоллардан ҳам пайқаб олиш қийин эмас.

Бугунги кунда район хўжаликларида бор-йўғи 1150 бош йилқи боқилипти. Бу мавжуд қорамолларнинг олтидан бирига, майда молларнинг 38 дан бирига аранг тўғри келади. Бияларнинг сони аинқиса кам. Уларни кўпайтириш ва кўпроқ қўлули олиб ўстириш устида маишатдорлик билан иш юритилмапти.

Йилқичилик бир қадар дуруст, деб ҳисоблаган «Гулбоғ» совхозида ўтган йили 54 бош биядан 35 таси насл олиш учун планлаштирилган, амалда унинг сони 37 тага етказилган. «Ленинобод» совхозида 25 бия ҳисобидан қўзда тутилган 13 ўринга 18 та қўлули олинган. Лекин айрим раҳбарлар ва мутахассислар маътаби айтингетгандек, шундай оз кўрсаткичларни тармоқдаги муваффақият деб ҳисоблаш мумкинми? Энгельс номи совхозда мав-

сидагилар ҳам, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари ҳам йилқичиликка чорванинг бошқа турлари даражасида алоҳида эътибор бериб, унга жиддий масъулият билан ёндашмаётилар. Зооветеринария хизмати паст, жониворларни парвариллаш устидан назорат қилинмапти. Бугун 60 бош йилқи ночорлигидан мажбурий сўйиб юборилган.

Яқинда «Коммуна» совхозида бўлганимизда йилқиларнинг, хусусан, қўлули берадиган бияларнинг сони нега камлиги тўғрисида сўрадик. Тармоқ бухгалтериясидагилар мулоҳазага бориб ўтирмай очинини айтиб қўяқолишди:

— Ишлаб чиқаришда отдан фойдаланилмайди, ҳеч ким от минмайди. Буниси ҳам майли, давлат ҳар қилграмм от гўштини бор-йўғи 1 сўм атрофида харид қилади. Умуман, самараси бўлмаганда кейин йилқичиликни ривожлантиришдан қандай фойда бор?

Мана, нуқтан-мазар. Йилқичилик олдида нақадар тўсиқлар пайдо бўлиб турганини шундан билаверинг. Уни олиб ташлаш, самара қўриш йўллари йўқми? Бор, лекин тайёрга айерлик кайфиятидан воз кечилмапти. Ўзингиз ўйланг, бўрдоқ қилинган от гўштининг килограмми кооператив ва бозор нархида 5,5—6 сўм туради. Ичакка тиқилган қазини

«Социал масалалар бўлимида: демократия мактаби»

«УЗАВТОРЕМОНТ» бирлашмасига қарашли Калинин районидаги 2-авторемонт заводи коллективи беш йилдан бери директорга ёлчи-масди. Директорнинг тез-тез ва тўсатдан ўзгариб туриши коллектив учун оддий ҳол бўлиб қолган эди. Охириги директор А. Шестаев ўтган йилнинг августидан ишдан кетди. 1989 йилнинг 1 февралда заводда директор вазифасини вақтинчалик унинг ўринбосари И. Одилов бажариб турди. 31 январь кун республика газеталарида корхонада директор сайлови ўтказиш ҳақида эълон берилди. 1 февраль кун И. Одилов ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди. Худди шу кун эса бирлашмадан завод директори вазифасини вақтинчалик бажариш учун С. Н. Гавриловга бўйруқ ёзилди...

Корхона меҳнат коллективи кенгаши директорликка сайлов ўтказиш юзасидан 11 кишидан иборат конкурс комиссиясини сайлади. Комиссияда конкурсда қатнашши учун учта номзоддан ариза тушди: С. Н. Гаврилов, И. Одилов, Ш. Бойзоковлар конкурсда қатнашгани истогини билдирдилар. 1 февралда ишдан бўшаган Одилов 16 февралда конкурсда қатнашши учун ариза ёзди ва орадан тўққиз кун(?) ўтгач аризасини қайтариб олади...

Конкурсда қатнашган икки номзод билан танишамиз. Бойзоков Шухрат Махмудович, 1951 йил туғилган, 1973 йили Тошкент автомобиль йўллари институтини битиргач, 2-авторемонт заводига ишга келган. 1982—1985 йилларда 1-авторемонт заводиде ишлаган. 1985 йилдан 1988 йилнинг 22 августидан яна 2-авторемонт заводда меҳнат фаолиятини давом эттирган, катта диспетчер, молия-таъминот, техника бўлимларини бошқарган. Ишдан ўз аризаси билан кетган.

Гаврилов Станислав Николаевич, 1935 йил туғилган. 1959 йили Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтини битиргач, меҳнат фаолиятини ГСКБда инженер-конструкторликдан бошлаган. «Узкульстрой» курилиш-монтаж бошқармаси, «Чарвак ЭС-строй», «Строймеханизация» трестининг 1-монтаж бошқармасининг идораларида прораб, бўлим бошлиғи, бош механик, бош инженер вазифаларида ишлаган. 1970 йилдан «Гавташкестрой»да ишлагани давом эттирган. Ававалига авторемонт заводи директори (1970—1973, 1981—1986), сўнг 10-авторемонт директори (1976—1981), «Промстройкомплект» бирлашмасининг эксперименталь тажриба-механика заводи директори (1986—1988) «Стройиндустрия» бирлашмасининг бош инженер ўринбосари (1988—1989) бўлган. Афғонистон (1966—1968) ва Ироқ (1973—1976)да ишлаб келган.

Номзодлар 27 февраль кун корхона меҳнат коллективига ўз программаларини таништирдилар. 2 март — сайлов кун улар яна коллектив билан учрашдилар. Коллектив ўртасида биринчи бўлиб сўзга чиққан Ш. Бойзоков программасини кўндалмача ифода этди: — Қайта қуриш иқтисодий ислохотдан бошланади, — деди нотиқ. — Ўтган йилларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш билангина муваффақиятга эришиш мумкин. «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунида таъкидланганидек, аввало ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишчиларнинг меҳнат активлигини ошириш, социал сибсатини актив амалга ошириш лозим. Мен халқнинг кўйини пуч ёнгоққа тўдириб, конкурста ул-

чалари қуриш, заводда медицина пункти ташкил этиш вазифалари программалардан ўрин олган.

— Ўтган бир ой ичида корхонада ишлаб анча камчиликларга кўзим тушди, — деди номзод С. Н. Гаврилов. — Мен умумий гаплардан қўтча, конкрет таклифларни ўртага ташламоқчиман. Барча ремонт корхонасининг иш таъминот бўлимидан бошланиб, яна шу ерда тугайди. Таъминот бўлимини заводдан ажратиб керак. Ишчи ўрнини аттестациядан ўтказиш сифатли махсулот ишлаб чиқариш гаровидир. Корхонада уй-жой масаласини кенитирмай ҳал қилиш лозим. Заводда каналлация йўқ, оқова сувлар Чирчиқ дەرёсига келиб тушмоқда, бу дераённинг ифлосланишига, экологиянинг бузилишига олиб келади. По-

ишладик. Мақсадимиз бир эди. Биз фақат «қоғозлардегина» ишламай, пешона теримиз билан меҳнат қилардик. Шухрат меҳнатсевар, ҳалол инсон. У «арагани» бемалол тортиб кета олади.

— Заводга ишга келганимга бор-йўғи бир ой бўлди, — деди бош бухгалтер вазифасини бажарувчи Н. Грешников. — Шу бугунгача Шухратни танимасдим. Яхши инсон бўлиши мумкин. Лекин инсоний фазилат билан раҳбарлиқни эплашнинг ўзи бўлмайди. Гаврилов билан бир ой ишлаб унинг қандай ишларга қодирлигини билиб олдим. Шунинг учун менинг фикрим — директорликка Гаврилов номзоди муносиб келади.

Бош инженер Г. А. Емельяновнинг корхонага ишга келганига уч ой бўлган. — Мен ҳам корхонага янги

ғилиш қатнашчилари номзодларга ёлқ овоз бериш билан сайлашга қелишдилар. Сайловга пухта тайёргарлик кўрилмаганилиги овоз беришда қилиниб қолди. Бюлетень тарқатиш санақ комиссияси аъзоларига юклатилди. Бир маҳал қий-чув, тўполон бошланиб кетди. Сайловчилар бюллетенларини ҳамманинг кўз ўнгига, ҳатто йиртиб ташлай бошладилар. Бюллетенлар тартибсиз тарқатилганлиги оқибатида сайловни тўхтатишга мажбур бўлинди. Пайтдан фойдаланиб Р. В. Набиев билан суҳбатлашаман.

— Бирлашмамизнинг бешта заводда директор сайловини ўтказган эдик. Ҳеч қайси сайлов бугунгидек ўтмаган эди. Иккала номзод ҳам директорликка мос. Шунинг учун сайловчиларга қийин бўлаяпти.

— Йиғилиш тўла демократия асосида ўтди, — деди Калинин район партия комитетининг инструктори Т. Собиров. — Номзодларнинг муҳокамаси юқори савияда бўлди. Овоз бериш пухта режалаштирилмаганлиги учун хунук манзара юзга келди. Бунда партия ташкилотининг ҳам айби бор.

Эртасига сайлов давом эттирилди. Сайловчиларга рўйхат билан бюллетенлар тарқатилди. Заводнинг 350 нафар ишчи-хизматчисидан 250 киши овоз беришда қатнашди. 150 киши Ш. Бойзоков, 99 киши С. Н. Гаврилов номзодини ёқлаб овоз берди, учта бюллетень нотўғри тўқдирилганлиги аниқланди. Шундай қилиб, қўпчилик сайловчиларнинг хоҳиши билан 2-авторемонт заводига Шухрат Махмудович Бойзоков директори этиб сайланди. «Узавторемонт» бирлашмаси маъмурияти директорини тасдиқлагандан сўнг янги директори иш бошлади. Йиғилиш сўнггида Ш. Бойзоковга сўз берилди.

— Менга юксак ишонч билдирганингиз учун раҳмат, ишончнгизни меҳнатим билан оқлашга ваъда бераман, — деди у йиғилганларга қарата. — Сайловда менга қарши овоз берганлардан ҳам ҳафа эмасман. Менинг камчиликларим бор. Меҳнат фаолиятим давомида уларни бартараф этаман.

— Сизга коллектив номидан Гаврилов программасини бажариш нақзинин юклайм, — деди сўзга чиққан корхона кадрлар бўлими бошлиғи И. Халамов.

— Ҳақиқат бор экан-ку, адолат тантана қилди, Шухрат Бойзоков директор бўлди, — деди ҳитоб билан А. Эшмуротов. Гавриловда тажриба кўп эди, шундай эскича фикрлар билан ёшларга ўрин бермай келардик. Энди министрлик, бирлашма ва корхона коллективи Шухратга амалий ёрдам беришлари керак...

А. ҒУЛОМОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КЎПЧИЛИКНИНГ КЎНГЛИДАГИДЕК БЎЛДИ

кан ваъдалар бермоқчи эмасман. Неча йиллар давомида қоғозда, оғизда қуюқ ваъдалар бериб амалда ҳеч қандай иш бажарилмаганлиги ишчининг раҳбарга бўлган ишончини сундирган, холос. Агар коллектив менга— ишонч билдирса, аввало юқоридан белгиланган бўлиладиган давлат пландарини реал бўлишига, қолаверса, бу пландарни коллективда муҳокама қилишга эришишга ҳаракат қиламан. Февраль ойидан завод хўжалик ҳисоби асосида иш юритмоқда. Менимча, бунга сал эртароқ киришилди. Бунинг учун дастлаб бригадаларни пудратга ўтказиб, уларни иқтисодий жиҳатдан қизиқтириш, ҳисоб-китобга ўргатиш, шу асосда иқтисодий ўқувлар ташкил этиш лозим эди. Янгича шароитда ишлашга ўтишдан олдин ишчи ўрнини аттестациядан ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди. Коллективнинг социал масалаларга бўлган эътибонини қондириш учун кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Аввало уй-жой программасини ишлаб чиқиш керак. Корхонада ишлайдиган аёлларга шароит яратиш лозим. Завод территориясида чойхона қуриб, бу ерда эрта-лабки нонушта тайёрлаш, умуман ошхона ва буфетнинг ишини яхшилаш, хўжаликлар билан шартнома тузиб, коллективни мева-сабзавот махсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйиш лозим. Учаскаларда ечи-ниш-кийиниш, дам олиш хоналари ташкил этиш, комсомол-ёшларни сафарбар этиб, корхона посёлкасида спорт ва болалар майдон-

сёлкада яшайдиган ишчилар уйлариининг яхши иситилмаслигини даволат қилиш лозим. Бу уйлари заводдан чиққан буг билан иситиш мумкин. Ишчиларнинг оватларини арзонлаштириш ҳақида ўйлаб кўриш керак, бунга жамоат ташкилотлари ҳисобидан амалга ошириш мумкин. Корхонанинг пудратга ўтиб ишлаши ва интенсификацияси ҳисобида 1989-90 йилларда меҳнат ҳақини 30 процентга-ча ошириш имкони бор.

Номзодларнинг қисқача маърузасидан сўнг музокара-лар бошланди.

— Бугун биз масъулиятли иш бошида турибмиз, — деди биринчи бўлиб сўзга чиққан ишлаб чиқариш мастери И. Пардаев. — Мен Шухрат Бойзоковни анчадан бери биламан. Бундан икки йил олдин директорликка резерв танлашда Шухратнинг ҳам номзоди рўйхатга олинган эди. Калинин район партия комитети резерв кадрни маъқуллаган эди. Демак, корхона директори ишдан бўшагач, у биринчилардан шу лавозинга номзод бўлиб қолиши лозим эди. Афсуски, ундай бўлмади. У ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганида машиналарнинг синов участкасини корхонадан ташқарига олиб чиқишга эришган эди. Шухрат бошланғич партия ташкилот секретари бўлган, у ташкилотчилик қобилиятига эга. Шухрат директорлик вазифасини ҳам бемалол уддалай олади.

— Сизларнинг олдингизда мен ўзимни бегона ҳисобламайман, — деди корхонанинг собиқ ходими А. Архангельский. — Заводда ўн йил Шухрат билан ёнма-ён

одамман, — деди у. — Заводда автобусларнинг ремонт технологияси йўқ. Бойзоков кўп йиллар корхона техника бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. Афсуски ўтган даврда у камчиликларни бартараф этишни ўйламаган. Гаврилов бир ойда ташкилотчилигини намоян этди.

— Шухратни студентлигидан биламан, — деди музокарада сўзга чиққан А. Эшмуротов. — Шухрат техникани, машиналарнинг ремонт технологиясини яхши билади. У айрим раҳбарларнинг дидига мос тушмаганлиги учун директор бўла олмаганди. Гаврилов бир мумкин жойда ишлайдиган одам эмас экан. Мен бугун меҳнат фаолиятим давомида бор-йўғи икки жойда — 18 йил авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, 20 йил шу заводда ишладим. Яхши инсон иш жойини кўп ўзгартирмайди. Сайловда мен Шухратга овоз бераман.

Йиғилишда «Узавторемонт» бирлашмасининг бош директори Р. В. Набиев ҳам иштирок этиб, музокарада қатнашди. Рашид Валиевич Бойзоковни анча йиллардан танишини таъкидлаб, пировардида шундай деди:

— Шухрат анча йил илгари завод директори бўлиши керак эди. Унинг ишдан бўшаши тўғрисидаги аризасига уч ой имзо чекмадим. Кетаман, деб оёқ тираб олганидан кейин уни мажбурлашга ҳаққим йўқ эди. Заводни кўтариш анча меҳнат талаб қилади.

Номзодларни муҳокама қилишда қатнашган 16 кишидан кўпи Ш. Бойзоков номзодини ёқлаб гапирди. Йи-

бевосита Улуғ Ватан урушида қатнашмаган бўлсам-да, фронт орқасида меҳнат қилиб, ғалабага ўз ҳиссамни қўшганман. Бунга 1946 йилда берилган «1941—1945 Улуғ Ватан уруши йилларидаги шавкатли меҳнати учун» медали ҳам тасдиқлайди. Қолаверса, 40 йил ҳалол меҳнат қилиб, меҳнат ветерани бўлдим.

Кейинги йилларда халқдан тугшган шикоят ва аризалар тегишли ташкилот раҳбарлари томонидан текшириш юзаси олиб борилаётгани, уларга эътиборсизлик билан қа-

ралаётгани ҳақида ошқора гапирилмоқда. Менинг ёзаётган ариза ва шикоятимга ҳам шундай муносабатда бўлишайпти, бўлмаса доим «бўш номер йўқ, имкон бўлиши билан албатта телефон ўтказиб берамиз» деган бир хил қолдиқли жавобни олавермасдим. Кабинетда ўтириб олиб хатта жавоб бериш осон, аризачининг уйига келиб аҳвол билан танишиб жавоб бериш бошқа. Қани, бу сафарги хатининг натижаси қандай бўларкин?

Х. ЖАЛИЛОВ.

Редакцияга хат

Бу сафаргис қандай тугаркин?

МЕН 1970 йилдан бери С. Раҳимов район Нозимхоним кўча 1-проезд, 16-уйда яшайман. Дастлаб бу маҳаллага кўчиб келган йилнинг телефони ўқда турган, ҳатто газ, водопровод ҳам йўқ эди. Орадан кўп ўтмай хонадонларимиз таъмирланди, водопровод келтирилди, телефон кабеллари ётқизилди.

Ҳозирги кунда маҳалламизнинг 50 фоиз хонадониде телефон ўрнатилган десам муболаға бўлмайди. Мен ҳам уйимга телефон тушириш учун 1975 йилда ариза берган эдим. Телефон тушириш оғир масала эканлигини билган, шунинг учун ўн йил, ўн беш йил қурқ этмай кутдим. Яна қанча кутганим

мумкин? Тегишли ташкилотларга шу савол билан мурожаат қилсам, ҳозир бўш номер йўқ, деган сийқаси чиққан жавобни оламман. Менинг уйимдан беш метр нарида телефон кабелли ўтган, мендан икки уй нарида яшайдиган кўшим — Улуғ Ватан уруши қатнашчисига телефон тушириб беришди. Мен ҳам

• МАВЗУГА ҚАЙТИБ •

ХИЗМАТ юзасидан бирмунча олдин Чиноз районидagi Навоий номли колхозга боргандим. Дала айланди, фермага бордик. Қишлоқнинг қайси кўчасидан ўтмайлик икки чети мевали дарахтлар. Тўғри, кўпи ҳали ёш. Олма, олхўри, ўриклар фарқ пишиб ётибди. Сўхбат чоғида колхоз раиси Холдор Ақромовга бу ҳақда сўз қилиб қўйдим.

— Бу ишни бошлаганимизга ўн йиллар бўлди, — гапни давом эттирди у, — кўчатларни колхоз ҳисобидан келтириб тарқатамиз, яъни бепул улашамиз, лекин кимнинг уйи олдидаги кўчат қаровсизлик оқибатида қуриб қолса, қиммати беш ҳисса қилиб ундириб оламиз. Буни правление колхозчилар билан келишиб олган. Тўғри, аввалига, кўчада мева бўлмайдди, болалар қоқадди, шохларини синдиради, мол пайҳон қилади — самарасиз иш дегувчилар бўлди. Биринчидан, еса шу қишлоқнинг халқи ейди, иккинчидан

Шу ерда кенгроқ тўхталашга тўғри келадди. Таъбир жоиз бўлса ўсимлик, дарахтнинг илдизини мен митти гидролиз заводига ўхшатаман. Бодринг кўпроқ суя, шу оилага мансуб мочалка синтетика, ошқовоқ крахмал, қовун қандни кўпроқ йиғади. Хуллас, ҳар бир хил илдиз пояга, ўз мевасига керакли микроэлементларни йиғади. Дарахтлар ҳам шундай. Аччиқ, тахир мева берувчи дарахт илдизлари маданий меваларга қардан керакли микроэлементларни бера олсин. Натияжада бу дарахтларда шира йиғиш хусусиятлари йўқолиб бораёпти. Шунинг учун ҳам пайвандтагининг аҳамияти катта.

Раис бу ҳақда куюниб гапирди. Шу ўринда бундан бир неча йил аввал бўлган воқеа эсимга тушиб кетди. Чехословакияга сафарга борганимда тушлик вақтида иссиқ овқатлардан сўнг узум тортишди. Ҳар узумки, сурат дейсиз. Қопқора, йирклиги худди бизнинг хусайни-

сига ишлашимиз лозим. Ваҳоланки, табиатимиз шундайки, унинг нурдан дур унади. Шу ўринда яна бир чеккини қилишга тўғри келади, ГДРга командировкага борган синфдошим, олим Зоҳид Толибжонов шундай воқеани ҳикоя қилиб берганди:

— Ҳафта бўйи ишладик. Яшанба дам эди. Айлашиб юриб турар-жой массивига кириб қолибмиз. Кўчанинг икки бетидаги ноқлар шигил пишиб ётибди. Ҳавасимиз келди, мазасини билишга ихтиёр қилиб, минг ҳижолат билан, уят бўлмасмикан деб у ёқ-бу ёққа алаңлаб нокдан биттадан уздик. Эртаси кўни таржимонимиз келганда бу билан ноқяа иш қилмадикми деб сўрагандик, у йўқ, бу ҳеч қандай айб эмас, хоҳлаганча узиб ейиш мумкин, фақат териб олиб кетиш мумкин эмас, деб жавоб берди. Дарахтларни эса шу атрофда яшовчи оилавлар парвариш қилишар экан.

Яна бир воқеа. Утган йили Нальчикка дам олишга бордим. Улкамиз меваларидан деб 5—6 килограмм ёнғоқ сотиб олволдим. Килограммининг тўрт ярим сўмдан. Нальчикда бўлса ёнғоқнинг килограмми иккинчи ярим сўм экан. Еру кўк ёнғоқ. Ёнғоқзорлар шундай кўпки, ҳайрон қоласиз. Катта грузин йўли бўйлаб экскурсияга чиқдик. Кун бўйи юрдик. Катта йўлнинг бир чети қатор азим туп ёнғоқ дарахтлари. Шаҳар ташқирисидаги кўп йўлларнинг бўйи ёнғоқзор. Меваси иримайди, чирмайди. Дам олувчилар ҳам тоза ёнғоқхўрлик қилишди. Дам олиш уйлари, санаторийларнинг боғларида мевали дарахтлар сероб. Фарқ пишиб ётибди. Бозорда катта пилладек келадиган, бизнинг қора гилос каби тўқ қизил, юлдуздек қатнаб турган олманинг килограмми бир сўм. Сархил ноқларнинг нархи ҳам шундай.

Аслида шундай тўкинчилик бизда бўлиши керак. Айрим йиллар ёз пишиғида нок, олма, шафтолиларнинг нархи 3—5 сўмга чиқиб кетади.

Азим Тошкентда қанча кўчалар, турар-жой массивлари бор. Кўпда манзарели дарахтлар, айрим жойлар эса худди дашт-биёбоннинг ўзи. Тошкент шаҳри аҳолисининг сабабот-меваларга бўлган эҳтиёжининг ярмидан кўпини шахсий томоқлар қондирётгани сир эмас. Агар иқлимий қидириб мевали дарахтлар кўпроқ экилса, бу қўшимча юзлаб гектар боғ-роғлар деган гап эмасми? Бундай боғроғлар ҳосили билан Озиз-овқат про-граммасини бажаришни тезлаштиришга катта ҳисса қўшмоқ мумкин. Шаҳарлар аро йўллар бўйлаб ҳеч бўлмаганда ёнғоқ экиш мумкин эмасмикин? Электр қўшлари йўқ ҳалакат бермайди. Қайтага кимсоз эса бериб, иссиқ кунда йўловчиларга паноҳ бўлади.

Янги ТошМИга киришингиз билан ўнг томонда бир гектардан кўпроқ ерга манзарели дарахтлар экилган. Ҳўш, унинг ўрнига ёнғоқ, гилос, беҳи, олма ва бошқа хил мевалар экилса бўлмасиди? Бўларди. Бўлганда ҳам жуда со бўларди. Сўппайган дарахтлар ўрнида аjoyиб боғи эрам пайдо бўларди. У ердан чиқиб ҳалқа йўл томон юринг. Йўл четларида 30—50 сотихлик бўш ерлар бор. Айрим қисмларига яна манзарели дарахтлар экилган. Шаҳримизда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳаракатда баракат. Хулоса чиқариб олиш вақти келди. Қиш қанчалик забта олмасин, фасллар гўзали баҳор борлигини ўз измига солмоқда. Дарахт шохларида куртаклар пайдо бўла бошлади. Вақти-вақти билан эсаятган ёқилишлар эса баҳор тарадудини кўр деярликдек бўлади. Бу дерак, кўчатилик ишлари бошланишидан дерак. Кўчатлар ҳисобини қилиб, шаҳар ҳузуридаги «резерв» боғлар ҳақида ўйлашга бир эҳтиёж сезайлик. Боғроғлар ташкил этайлик. Унинг режасини ҳозирданоқ тузмоқ зарур. Бу ишда фақат ободончилик бошқармаси эмас, халқ депутатлари шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари, маҳалла комитетлари, кенг жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб киришса айни мудоо бўларди. Биз шу хусусдаги кўпчилигининг фикр-мулоҳазаси, таклиф ва истаklarини билишнинг истардик. Бундан ташқари мевазор боғларни кенгайтиришда оммалаштирса арзийди тажрибалар ҳақида ёзиб юборилса, бажонудил газета саҳифаларида ёритиб борардик.

Будир ПУЛАТОВ,
журналист.



ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

★ НЬО-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг Ливандаги муваққат кучлари жойлашган зонасида Исроил қуроли кучлари ҳаракатлари муносабати билан Исроилга норозилик эълон қилди.

БМТ Бош секретарининг вакили хабар қилганидек, сешанба кўни Исроил қуроли кучлари БМТ муваққат кучлари ходимлари учун Исроил билан Ливан ўртасидаги чегарани ўзбошимчалик билан ёпиб қўйдилар, бу чегара бир кундан кейингина яна очиб қўйилди.

★ НЬО-ЙОРК. БМТ Намибияга мустақиллик бериш режасини рўйбга чиқаришга амалий тайёргарлигини бошлаб юборди. БМТ Бош секретарининг вакили, БМТнинг Намибиядаги қуроли кучлари қўмондон генерал-лейтенант Прем Чанд (Хиндустон) бутун территория бўйлаб сафарни тугаллади ва ҳозир Жанубий Африка республикаси қўшинлари Намибиядан олиб чиқиб кетилишини, шунингдек, маҳаллий ҳарбий қўшинлар тарқатиб юборилишини кузатиб туриш ишларини режалаштирмоқда.

★ НЬО-ЙОРК. Американинг Шарлотт шаҳри яқинидаги (Шимоллий Каролина штати) «Макайга» атом электр станциясида жиддий мождоро рўй берди. АЭСнинг эгаси бўлган «Дюк пауэр» компаниясининг маъмурияти станция ускунасидаги носозлик туфайли атмосферага радиоактив чиқинди чиққандан кейин иккита реактордан бирини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди.

★ ТОКИО. Жанубий Кореядаги энг катта оппозиция гуруҳи — демократик ҳаракатлар миллий уюшмаси радикал кайфиятдаги студентлар энг йирик ташкилот — студентлар вакиллари миллий кенгаши билан биргаллик бўлажак миллий референдумда президент Ро Дэ Уни мағлубиятга урчатиш учун оппозициядаги бошқа партиялар билан кўч-ғайратларни бirlаштиришни ёқлаб чиқди.

(ТАСС, 9 март).



★ ЭРНЕСТ Хемингуэйнинг дўстларидан бири доктор Хо-се Луис Сотоноли яқинда «Санди таймс» мағзини жур-налида машхур адабнинг ҳа-ли матбуот озини кўрмagan фотосуратларини эълон қил-ди. Езувчи ҳаётининг Куба-даги даврини қамраб олган бу фотосуратлар чинакам шов-шувга сабаб бўлди. СУРАТДА: Хемингуэй ўрга-тилган фил билан.

ТАСС фотозвоникаси.

ҲАМОН ГАПЛИГИЧА ҚОЛИБ КЕТМОҚДА

«ЛОҚАЙДЛИК ГИРДОБИ» МАҚОЛАСИ
МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

болалар бир синдиради, икки синдиради, доим синдиравермайди-ку, қолаверса, болаларни ўргатиш бизга боғлиқ. Сув қўйиб, тагини юмшатиб турнишга ўргатсак, ўзи меҳнат қилса, синдирамайди. Шундай ҳам бўлади.

Холдор ака «Тошкент ҳақиқати» газе-тасида олдинроқ эълон қилинган «Ло-қайдлик гирдобини» мақоласида билдирил-ган таклиф ва мулоҳазаларнинг жуда ўринлигини, бу ўз вақтида кўтарилган ўта муҳим муаммо эканлигини таъкид-лаган ҳолда қатор фикрлар билдирди. Сўхбатимиз қизиқ кетди. Мен унга ай-рим мевалар, чунончи нок, олмаларнинг илгариги яхши навлари қамайиб кет-ганлигини таъкидлаб, буларга асосий се-саблар нима бўлиши мумкин, деган ма-мунда савол бердим.

— Мен ўзим ўйлаб турган саволни бер-дингиз, — икки қайғуриш ҳислари билан сўхбатини давом эттирди. — Мавзудан би-роз четга чиқсак ҳам шу ўринда бир ми-ролни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги вақтлар-да айрим илмий ходимлар жаҳонга доғи кетган қовунларимиз қолиб ўзоқ Шарқ, Краснодар томонлардан ҳанда-лаксияфат майда қовунларни олиб келиб моллаштириш, чатиштириш ҳаракатлари-ни олиб бормоқдалар. Бу илмий иш эмиш. Илмий унвон деб бундай йўл тутиш гуноҳ эмасми? Қайтага ўзимизнинг йўқолиб ке-таётган асати, чўжари, қизил уруғ, қўкча, шакарпалак каби асалдек ширин қову-нларни тиклаш хайрли иш бўлмайdimи?!

Мевачиликда ҳам шу каби кўнгилсиз во-қеалар содир бўлмоқда. Илгари ноқлари-миз қандай тотли, муаттар ҳидли бўлар-ди. Ҳозир базиллари резинка, пишмаган беҳига ўхшайди. Ҳўш, бунга сабаб ни-ма? Айрим илмий муассасаларда табиатга бешафқат муносабатда бўлиш, қолаверса, илмий иш деб сувадан холва яшашларидир. Шу каби ишлар номли чиққан Шредер ном-ли узумчилик-боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўляпти. «Ан-типка» деган, тоғда ўсадиған дарахт ни-ҳолига гилос уланади. Тўғри, антипка узоқ яшайди, лекин у тоғ-тошлар ораси-да, сув ҳам жойларда улғаяди. Бизнинг ерларда, боғларда қуриб қолади. Энди ҳосилга кирганда сўлиб тушади. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида кўпроқ тоғ-ларда ўсувчи ёввойи дарахтларнинг уру-ғи сепилиб пайвандга яратилади. Унга мевали дарахт куртаги уланади. Ҳўш, бу ёввойи дарахтлар илдизи куртадан ўс-ган меваларга нима бера олади?!

дек келади. Жуда чиройли. Ҳавас билан оғизга солдик. Тахир, Бошқа қўл урмай қўяқолдик.

Ҳовлида тўпланиб тургандик, йўлбош-ловчимиз қандайдир ташвишли кўри-нишда, саросималик билан олдимизга келиб сўраб қолди: Нега /узумни ема-динглар?!

Биз, узум эмас, гўра-ку, шунинг ҳам еб бўладими дегандик, у ҳайрон бўлиб, ни-ма, сиз томонларда бундан ҳам ширин узум бўладими, деб яна сўз қотди. У бу ерда бир гап бормикан дегандек ҳамон ҳайрон тикиларди. Афтимиздаги хотир-жамликдан сўнг тўғри мақсад билан гап-равғанимизга қаноат ҳосил қилди, шеки-ли, чехраси очилиб, кўнгли жойига тушиб, ҳаяжонининг сабабини тушунтирди.

— Ошхонадагилар шу туристик груп-панинг тоза омади бор экан... (узумнинг нави ёдимдан кўтарилибди) мазаза қилиб шу узумдан тановул қилишадиган бў-лишди, дейишиб сизларга ҳавас қилишиб-ди. Бу хил узум мамлакатимизнинг жануб қисмида битида. Халқимизнинг энг суй-ган, доврўғи кетган неъматларидан бири. Шунинг учун ошхонадагилар емаганла-риндан жуда ҳайрон бўлишган, ҳар хил, ҳатто ноқяа фикрларга ҳам боришган ва мендан сабабини билиб беришни илтимос қилишди.

Хулоса шўки, еримиз, қўшимиз, ўлка-миз табиати бетакорор. Унда эртакларда-ги каби мева-чевалар серҳосил, ширин-шакар, тотли. Табиат ўлкамизга шун-дай инъом қўрсатибди. Унинг доврўғи жаҳонга кетибди. Нахотки энди биз Қўл-тегин, Навоий, Фўрқат замонларидан ўлмай келган, авлод-аждодларимиз неча асрлар оша асраб-авайлаб, навларини сар-хиллаб келган табиат инъомларини атом асрига етганда душманининг ишини қил-гандек айнитсак. Бу кеңирарли ҳол эмас. Мутасадди ўртоқлар, масаланинг бу омади томонини ҳисобга олиб иш тутсалар ай-ни мудоо бўлур эди.

«Лоқайдлик гирдобини» да тилга олин-ган масалаларнинг яна бири — кейинги даврларда боғ-роғларнинг қамайиб кета-ётганлигидир. Мақола эълон қилингандан сўнг газета саҳифаларида мутахассислар, кенг жамоатчилигининг фикрлари, таклиф ва мулоҳазалари эълон қилинди. Лекин негандир ҳаммаси гапигича қолиб кет-моқда. Амалий ишлар сезиларли дера-жада бўлмаяпти. Эски ҳаммом, эски тос деганларидек, ваъдабозликдан қутула ол-маямиз. Қайта қуриш даврида янги-ча

• Газетхон хатларини ўқиб •

БУГУНГИ кунимизни инқилобий қайта қуриш даври, деб атаёмиз. Бу гапда муболага йўқ. Ахир турғунлик даврининг маҳсули бўлган барча ярамас иллатлар билан бугунги ҳар соҳада янгиланиш ҳаракати ўртасида қизғин, аёвсиз кураш бормаяптими?

Атрофимизга бир қарайлик. Сийсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳатто, миллий мавзуларда ошқора, муро-сасиз баҳслар, ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаяпти. Марказий ва республика газе-та-журналларида назар таштайлик, радиоэшитти-ришлари ва телевидение кўрсатувларини тинглаб, томоша қилайлик. Сўз эр-кинлиги, фикр эркинлиги матбуот эркинлиги восита-сида намоён бўлаяпти.

«Известия» газетасида «Письма...не для печати» рубрикаси очилганига ан-ча бўлди.

«Правда» газетасида ке-йинги пайтларда пайдо бўл-ган «Бошланғич партия ташкилотларидан хатлар», «Масалалар, фикрлар, да-лиллар», «Правда жума-ликлари» рубрикалари билан бошланган материал-ларнинг мазмунини шундай-ки, турғунлик даврида бу ҳақда гапириш, ёки ёзиш у ёқда турсин, ҳатто ўйла-нинг ўзи таҳликали эди. Мана энди айтишяпти, ёзишяпти. Редакциялар хо-лис фикрлар учун минбар акратаяпти.

Ҳозир «Тошкент ҳақиқа-ти» газетасида ҳам янги рубрикалар пайдо бўлди. Чунончи, «Аслида босиб учун мўлжалланмаган хат-лар», «Редакцияга келган хатлардан», «Қайта қуриш: сўз ва амалда» рубри-калари газета саҳифалари-да энди тез-тез пайдо бўла-япти.

Хулоса шуки, инқило-бий қайта қуриш ҳаракати шарофати билан кишилар-да граждандлик туйғула-ри уйғона бошлади, жами-ятни соғломлаштириш, бар-чага баробар социал адо-латнинг тикланиши тараф-дорлари активлашмоқда-лар.

«Тошкент ҳақиқати»га ке-лаётган хатларнинг мавзуси ҳам, мазмунини ҳам кейин-

Қайси бири тўғри, 1954 йилда (мен партком секре-тари эдим) клуб пештоғига «Меҳнатсиз турмуш ўғир-лиқдир» деганда «ўғир» деб ёзилгани учун жазо ол-ганмен. Ўғир-ўғир ҳақида телевиденининг тил-мада-нийат кўзгусида ҳам олим-ларимиз яқинда гапирди-лар-ку. «Ўғри» бу ўғри, «ўғир» эса — хованча, ян-чиш, майдалаш асбоби-ку.

рига яна бир марта муро-жаат қилади. Маълумки, фақат редакция ходимла-рининг кучи билан газета материаллари мавзусини ранг-баранг, сермазун, ўқинишли қилиб бўлмайд. Бунга эришиш учун газет-хонларнинг иштироки, ал-батта, зарур. Бунинг му-раккаблик жойи йўқ. Ҳам-мамиз ўзимиз ишлаётган, ўқитган, яшаётган жойи-мизда вазиятни, воқеа-ҳо-дисаларни кузатайлик, бе-фарқ, лоқайд бўлмайлик, матбуотларда эълон қили-наётган муаммоларни мақола-ларга ўз муносабатимизни билдирайлик. Ана шунда матбуот чиқишларининг таъсири, фойдаси кучая-ди.

Чунончи, ҳурматли М. Муҳамедов ўз хатларида келтирган «Ўғрилик, жазо, натижа» мақоласида ҳам куюнчак газетхонлар эъти-бор берилса арзийдиган му-аммоларни фикрлар ўртага ташланган эди. Энди ўша мақоладан айрим парча-ларни газетада қандай бо-силган бўлса, шундайлиги-ча, яъни имловий хатоси-ни (ўғирлик) тузатмай ай-нан келтирамиз:

«Агротехника комплекси корхоналарида майда ўғир-лик» сўзини икки хил ёзиб редакция имловий хатога йўл қўйган. Гарчи ўзбек тили имло лугатлари ва рус-ча-ўзбекча лугатларида ҳам ҳар хилликка йўл қўйил-ган ва бу ҳол редакция-нинг ҳам чалғишига сабаб бўлса-да, редакция ўз ха-тосини тан олади ҳамда хат муаллифи ҳурматли М. Муҳамедовга хатини туза-тиш мақсадидаги хосис ку-мати учун миннатдорчилик билдиради.

Шу воқеа муносабати билан редакция ўзининг кўпминг сонли газетхонла-

ишдан бўшатилади. Кейин у бошқа корхонага ишга жойлашиб, ўғирлигини да-вом эттираверади».

Ёки мана бу парчадаги фикрга эътибор беринг: «... гўш ва сут маҳсу-лотлари комбинатларидан юк ортан машиналар кет-ма-кет чиқиб туради. Улар-даги юкнинг ҳаммаси хуж-жатлими? Йўқ, хужжатсиз-лари ҳам бўлар экан. Об-ласть ички ишлар бошқа-масининг махсус группаси ҳар сафар рейд ўтказганда комбинат дарвозаларидан чиқётган машиналарда ма-газин пештахталарида бўл-майдиган, оддий харидор-лар (яъни меҳнаткашлар) умуман кўрмайдиган та-сиқ маҳсулотлар топилади. Лекин рейдлар ахён-ахён-да бир марта ўтказилади-ку? Бошқа маҳал дарво-задан чиқадиган машина-ларни ким текширади? Ичи-даги тансиқ маҳсулотлар кимларга аталган?»

Бизнингча, мана шу сатрлардаги фикрлар бу-гунги янгиланиш даврида ҳеч кимни бекфарқ қолдир-маслиги керак. Матбуот са-ҳифаларини varaқлаб, ма-қолаларни кўздан кечирав-еканми, аввало уларнинг мазмунига, қўрилган му-аммоларнинг моҳиятига зеҳнимизни қаратайлик. Газета ва журналларда, те-левидение ва радиода фа-қат журналист-у, ижодкор-лар чиқаверишса-да, халқ оммаси бир четда аралаш-май қолаверса, катта умид-лар билан бошланган қайта қуриш жараёни олға бос-май, бир ерга депсиниб ту-раверади. Бинобарин, мат-буот органларининг чиқиш-ларига лоқайлик уларда билиб-билмай йўл қўйилган имловий хатодан кўра анча зарарлидир.

ГРАЖДАНЛИК БУРЧИМИЗНИ НАМОЁН ЭТАЙЛИК

ги пайтларда анча ўзгарди. Улар орасида, газета ма-териалларида муносабат билдирилганлари ҳам уч-раб туради. Қўйида ана шундай хатлардан бирини асл ҳолида, яъни хатнинг ўз мазмунидан келиб чиқ-қан ҳолда, ҳатто имлосини ҳам аслида қолдириб эълон қиламиз:

«Ҳурматли редакция! Мен «Тошкент ҳақиқати»-нинг доимий ўқувчисман. Айниқса, охириги пайтларда жуда сермазун ва жуда қизиқарли чиқаяпти. Яқин-да 19 январь 1989 йил №14 сон 2 бетда, «Ўғрилик, жазо, натижа» сарлавҳа билан обличроком чораси босиб чиқарилди. Ўқиб ўтириб бир нарсасга ҳайрон бўлиб қолдим. Шу мақола-да 10 марта «Ўғрилик, ўғ-ри» сўзи қайтарилган. 10 тадан 6 таси «ўғир» деб ёзилгани-ни кўриб, ҳайрон қолдим.

Менимча фокиза тилимиз-ни бузмаганимиз маҳқул. Нима дейсиз!

Сизга салом ила

М. Муҳамедов,
шахсий пенсионер, пар-тия ва меҳнат ветерани,
мутахассислигим агро-ном».

Ҳақиқатан ҳам «Ўғри-лик» сўзини икки хил ёзиб редакция имловий хатога йўл қўйган. Гарчи ўзбек тили имло лугатлари ва рус-ча-ўзбекча лугатларида ҳам ҳар хилликка йўл қўйил-ган ва бу ҳол редакция-нинг ҳам чалғишига сабаб бўлса-да, редакция ўз ха-тосини тан олади ҳамда хат муаллифи ҳурматли М. Муҳамедовга хатини туза-тиш мақсадидаги хосис ку-мати учун миннатдорчилик билдиради.

Шу воқеа муносабати билан редакция ўзининг кўпминг сонли газетхонла-

• ЖАНГОВАР МИНБАР •

ҲУРМАТЛИ РЕДАК-ЦИЯ! Мени 1986 йили район Советига (ҳозирги Янгйўл шаҳар Советига) 36-сайлов округидан В. И. Ленин но-ми колхозининг барча механизаторлари ишонч билдиришиб депутат қилиб сайлаган эди. Шу ўринда менга депутат-лик нақзи, яъни колхоз трактор паркида маданий ва маънавий ҳамда тракторчилар-нинг иш шароитларини ях-шилашга ёрдам бериш топ-ширилди. Дастлабни йиллар-да мен нақзимни бажаришга сайловчиларим олдида сўз бериб ишга киришган эдим. Аммо бу иш мен ўйлаганча-лик енгил эмаслигини ва ечимини кутаётган муаммо-лар қандай бўлса шундайли-гича турганини ҳозирги пайт-да яққол кўра бўлади.

Маълумки, барча те-хника ремонт биз учун ҳар йили қиш фаслига тўғри келади.

Оғир ишлар қўл кучи билан бажарилаяпти. Бу ҳақ-да депутат сифатида шаҳар ижроия комитети раиси А. Юсуповга хат орқали муро-жаат қилдим. Колхоз прав-ленисининг ҳар йилги маж-лисларида эслатиб ўтман. Яқинда колхоз правлениси-нинг ҳисобот йиғилишида шу масала юзасидан сўзга чиқ-моқчи бўлиб музокарага ёзилган эдим. Аммо саяхат-кейин музокарага чиққандан кейин сўзга чиқиш тўхтати-ди. Шундан кейин справка орқали савол бериб жавоб сўрасам колхоз раиси Н. Ава-зов «трактор парки қурилиши бўйича Янгйўл шаҳар сан-эпидстанцияси акта қўл қўй-маяпти, гаражнинг аҳоли я-хши, нима энди тракторлар-

ни ремонт қилиш учун ҳам-момга олиб кириб боши усти-дан иссиқ сув қуйиб турай-ми» деб жавоб қайтарди. Савол берганимга пушаймон бўлдим. Чунки, залда ана шу сўзлар учун қўлги кўтарил-ди.

Ахир ўйлаб кўринг, инсон саломатлиги йўлида, улар-нинг унумли меҳнат қилиш-лари учун партия-хукумати-миз бир қанча қарорлар қа-бул қилаяпти. Шу ўринда очикдан-очик айтиш керакки, илгари ҳар бир бригадда 30—40 нафар хотин-қиз иш-лаган бўлса, эндиликда бит-та бригадда 10—15 дан ош-майди. Бундай бўлишига н-има сабаб? Қишлоқда қолиб меҳнат қилишни истайдиган ёшлар йил сайин намайиб кетаяпти. Мен 1985 йилдан бери КПСС аъзосиман, бу ҳақда ҳар бир партия йи-ғилишида муҳокамага ташла-ган масаланинг жавобсиз қо-лишининг гувоҳи бўлман. Колхозда ёшларимиз учун етарли шароит йўқ.

Ҳозир Нёзёбош қишлоғи-нинг аҳолиси 22 минг киши-дан ошиб кетди. Яқинда бў-либ ўтган Нёзёбош қишлоқ Советининг сессиясида ижро-ком раиси Р. Сайидқосимов-нинг докладыни эшитиб, ҳай-ратдан ёқа ушладим. Қиш-лоқда муаммолар шунчалик кўп эканини, бу муаммолар ҳар йили айтилса ҳам су-рувқасига бажарилмай кела-япти. Бу ўринда қишлоқ Со-ветига ёрдамни ким беради?

Оддий бир мисол: 1970 йилдан бери трактор парки қурилиши ҳақида таклифлар қилинса-ю, аммо бажарилма-са. Биз кўпгина кадрларни йўқотаямиз, бунга сабаб

ишчиларга етарли шароит яратиб берилмагани ҳамда кўпчилиги касаллик яъни ра-дикулит, бел оғриғи, ревма-тизм асоратлари. Менга ўх-шаган депутатлар мансабдор шахсларга мурожаат этти-са, олдиди қўп бажарилса, деб ваъда устига ваъда бериша-ди-ю, амалда эски ҳаммом, эски тос. Ахир қачонча-ча бир-биримизни қуруқ ваъда

шибди. Бу ўринда кимга ишонса бўлади?

Н. Авазовнинг санэпидстан-ция акта қўл қўймапти, де-ган жавобига нисбатан шах-сан ўзим шу станция бўлим мудри билан суҳбатлашган-нимда колхоз правлениси-нинг бошқа айлари яъни аҳоли яшаб турган жойга ту-таш Гудоб ота қабристони ёнида ахлатхона очганлиги

моқда. Шу ерга магазин, маънавий хизмат объектлари қурилишини таклиф этиб, шахсан менга мурожаат қи-лишмоқда. Шаҳарга чиқсан-гиз қадамнингизда магазин. Наҳотки, шундай магазин-ларни қишлоқда қуриш имко-ни бўлмаса. Ҳозирги пайтда шаҳар билан қишлоқ ўртаси-даги тафовутларни йўқотиш масаласи кўралапти-ку.

Шу масалалар бўйича мен бир неча ташкилотларда бўл-дим, ҳаммаси қуруқ ваъда билан тинчлантиради. Бизга ишонган меҳнаткашлар эса биздан ваъда эмас, амалий иш бўлишини кутмоқда. Ме-нинг сайловчиларим бўлса «Ана, депутатнинг қўлидан бир иш келмай юрибди» деб киноя қилишмоқда. Энди мен нима қилай, мен гапимга қўлоқ солмаяпти, деб қайси идорага бориб эшик қоқшим керак? Нима бўлса ҳам сиз-дан, яъни матбуотдан ёрдам сўраб хат йўллашга мажбур бўлдим.

Ортиқча БОЛТАБОВ,

Янгйўл районидagi Ле-нин номи колхоз тра-кторчиси, Янгйўл шаҳар Советининг депутати.

ҚАЙСИ ИДОРА ЭШИГИНИ ҚОҚАЙ

билан алданмиз. Наҳотки турғунлик йилларидаги во-қеалар бизга сабоқ бўла ол-майди.

Менимча, ҳозирги қайта қуриш даврида оғиздан ай-тилган сўз бажарилиши ке-рак. Бизда эса бунинг акси бўлиб келмоқда. Бунга бир мисол. 1987 йилининг якуни-да колхоз тракторчилари рай-он ҳўжаликлари ўртасида со-циалистик мусобақа якунига кўра кузги-киши шудор-лашни иккинчи бўлиб бажар-ганликлари учун РАПО то-монидан 500 сўм пул билан мукофотланган эди. Колхоз бош ижнерининг жавобига қараганда РАПО пулни кол-хоз бухгалтериясига ўтказ-ган, аммо бухгалтерия бу пулни олмаган. Икки ўртада механизаторлар мукофот пу-лини ололмай «мукофот пу-ли ҳам туя бўлди» деб юри-

ҳақида меҳнаткашлардан кўплаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳамда шу аҳоли пунктида жуда кўп касаллик аниқланаётгани ҳақида мен-га сўзлаб берди. Менимча, врач ҳақ.

Бу ердаги аҳоли ичимлик сувини водопровод ўрнига қу-дуклардан олади. Оддий уй-рўзгор буюмларини ҳам ша-ҳарга бориб харид қилиш-

РЕДАКЦИЯДАН: О. Болтабоевнинг хати аслида қандай бўлса шундайлигича эълон қилияпти, баъзи ўрилардан тахрирининг бўлишти шундай. Аммо гап бунда эмас. Муал-лифини ёзишга мажбур этган носогол вазият юз фонд бўлмаса-да, аксарият кўпчилик депутатлар фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Фарқи шундаки, шу пайтгача бирор депутат ўзининг фаолиятсизлиги ёки бунга ижгон бериш-маётгани ҳақида редакцияга мурожаат қилмаган эди. О. Болтабоев биринчи бўлиб бунга жазм этган экан, унинг ташаббуси бошқа барча депутатларга туртки бўлмоғи ке-рак. Чунки, халқ депутати — халқ хизматкори. Халқ ма-фратини хийоа қилиш йўлидаги ҳар қандай ғовларини фой-да этиши, енгитиш, мақсадида эришиш шарт. Бу йўлда ре-дакция уларга хос ёрдамга тайёр.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба,

13 март

MT I

7.00 «120 минут», 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Умид билан ўтган етти кун. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. Танаффузда — (10.40) — Янгилликлар. 11.55 Хайвонот оламида. 12.55 Бизнеснинг мерос. Узга киргирлар. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 Ҳужжатли фильм. 16.55 Дадам, онам ва мен. 17.25 Шерият лаҳзалари. 17.30 Болалар соати. 18.30 КПСС Марказий Комитетининг Пленуми олдидан. 19.00 Мультфильм. 19.10 Футбол шарҳи. 19.40 Жаноб де Мольер шарафига бор-йўғи бир неча сўз. Телеспектакль. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Олам кинокамера кўзгусида. 23.15 Дадам-концерт. 23.50 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35, Тарих. 10.05 Рус тили. 11.05 Информатика асослари. 11.35, 12.35 Очилган куриш. 12.05 Италия тили. 13.05 Учувчида менинг хавлим. Бадий фильм. 14.15 Янгилликлар. 14.25 Йенин. СССР чемпионати. 17.35 Янгилликлар. 17.55 Совет Ҳужжатли фильм. 17.55 Совет Иттифоқида хизмат қиламан! 18.55 Тошавинсиз концерт. 19.25 Ҳужжатли фильм. 19.55 Волейбол. СССР чемпионати. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.50 Киножурнал. 21.00 Тонгги почта. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Янги Вавилон. Бадий фильм. 23.45 Ҳужжатли фильм. 23.55 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Жальгирис». 00.45 Янгилликлар.

УзТВ

15.30 Телефильм. 16.00 Унутилмас кунлар. Бадий фильм. 17.30 Телефильм. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Наташа учун эртақ. Қўғирчоқ фильм. 18.25 Бойчечак. 18.55 Амалдаги интернационализм. 19.25 Санъат олами. 20.00 Ахборот. 20.15 Сайловлар олдидан. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Насридан Хужада. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Инсон ва қонун. 20.25 Телефильм. 20.50 Тошкент студияси кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Душанба кўрсатади.

Сешанба,

14 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Жаноб де Мольер шарафига бор-йўғи бир неча сўз. Телеспектакль. 10.55 Янгилликлар. 11.05 Бу бўлган... бўлганди... 11.25 Болалар соати. 12.25 Олам кинокамера кўзгусида. 15.55 Янгилликлар. 16.05 Сайловлар олдидан. 16.15 Концерт. 16.45 Ҳужжатли фильм. 17.15 Мультфильмлар. 17.50 Хор плов биз. Конкурси. 18.35 Ҳокимият—Советларга. 19.05 Дунё воқеалари. 19.20 Кинорежиссёр А. Сокуров фильмлари. 21.20 Сайловлар олдидан. 21.30 «Время». 22.00 Қайта куриш: муаммолар ва ечимлар. 24.00 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05

Француз тили. 11.05 Дадам, онам ва мен. 11.35, 12.35 Табиатшунослик. 12.05 Француз тили. 13.05 Янги Вавилон. Бадий фильм. 14.35 Янгилликлар. 14.45 Ритмик гимнастика. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Мари. Бадий фильм. 18.50 Мультфильм. 19.05 Концерт. 19.30 Грузия телевиденисининг программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Киножурнал. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 «Время». 22.00 Сайловлар олдидан. 22.10 Детектив ўйини. Телеспектакль. 23.25 Янгилликлар. 23.30 Оммавий куйлар янгилликлари.

УзТВ

15.00 Телефильм. 15.55 Буланка меҳмонхонаси. Бадий фильм. 17.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.00 Янгилликлар. 18.10 Ҳар доим бўлсин онам! 18.40 Жиноят ҳуқуқлари. 19.15 Мультфильмлар. 19.30 Агротранс: тажриба ва муаммолар. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.20 Сайловлар олдидан. 21.30 «Время». 22.00 Қувноқлар ва зукколар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Телефильм. 19.50 Ота. Бадий фильм. 21.20 Сайловлар олдидан. 21.30 «Время». 22.00 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Чоршанба,

15 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Телеконкурс. 9.50 Мулозим. Бадий фильм. 11.20 Янгилликлар. 11.30 Саҳнатчилар клуби. 12.30 Фильм-концерт. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Музикали хазина. 17.00 Фан: назария, тажриба, практика. 17.45 Болалар соати. 18.45 Ҳокимият — Советларга. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 ВАСХНИЛ президенти, академик А. А. Никонов сўзи. 19.45 Шерият лаҳзалари. 19.50 Ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Концерт. 22.30 Телевизион танишув туркумидан. 24.00 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 10.05 Немис тили. 11.05 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 11.35, 12.35, Биология. 12.05 Немис тили. 13.05 ва 17.35 Янгилликлар. 17.45 Кафедра. Бадий фильм. 1-серия. 18.55 Гап маошдами? Телечерк. 19.30 Концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Кафедра. Бадий фильм. 1-серия. 23.25 Концерт. 23.45 Хоккей. СССР чемпионати. 01.05 Янгилликлар.

УзТВ

15.30 Кинопрограмма. 16.45 Рус адабиёти. 17.15 Телефильм. 17.30 Биология. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Камалак. 19.15 Ижод саҳифалари. Т. Г. Шевченко. 20.00 Ахборот. 20.15 Сайловлар олдидан. 20.30 Ахборот. 20.50 Қўшиқларга айланган умр. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ҳимоя учун сўз. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Телефильм. 19.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.25 Телефильмлар. 21.05 Пулс. Информацион кўрсатув. 11.15 Сенниневск тўйлари. Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Пайшанба,

16 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 Дадам учун қайлик. Бадий фильм. 10.30 Янгилликлар. 10.40 Концерт. 11.10 Болалар соати. 12.10 Чегра билмайди. Халқаро экологик программа. 15.55 Янгилликлар. 16.05 Сайловлар олдидан. 16.15 Ҳужжатли фильмлар. 16.55 Концерт. 17.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.15 Биз қандай дам оламиз. 18.45 Шу куннинг почтаси. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Ҳокимият Советларга. 20.00 Фигуралли учуш. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 СССР халқ артисти Е. Светлановнинг ижодий кечаси. 00.15 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Биология. 10.05 Испан тили. 11.05 Сиз яратган Бог. 11.35, 12.35 Биология. 12.00 Испан тили. 13.00 Кафедра. Бадий фильм. 1-серия. 14.40 ва 17.35 Янгилликлар. 17.45 Кафедра. Бадий фильм. 2-серия. 18.55 Ҳужжатли фильмлар. 19.30 Аҳналарга садоқат. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.05 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кафедра. Бадий фильм. 2-серия. 23.20 Янгилликлар. 23.25 Ҳужжатли фильмлар. 23.55 Оммавий куйлар янгилликлари.

УзТВ

15.30 Олатовнинг қумуш шох. Бадий фильм. 16.45 Табиатшунослик. 17.15 Телефильм. 17.30 Жамиятшунослик. 18.00 Янгилликлар. 19.15 Ешлик студияси кўрсатади. 18.45 Сайловлар олдидан. 19.15 Пахтакорларнинг қўлқамал юмушлари. 19.45 Комсомол прожектори. 20.00 Ахборот. 20.20 Манзара-катларда. 12.10 Қалмак халқ шоири Д. Кугультинов билан учрашув. 13.40 Париж коммунист кўниги. 14.00 Шанба — ота-оналар кўни. 15.30 Дунё воқеалари. 15.45 Йил фасллари. Март. 16.45 Мўъжизасиз мўъжизалар. 17.45 Халқаро программа. 18.45 Кино билимдонлари конкурси. 20.00 Фигуралли учуш. 21.30 «Время». 22.05 Ботқоқлик. Бадий фильм. 1-серия. 23.15 Янгилликлар. 23.20 Ботқоқлик. Бадий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Тренер. Бадий фильм. 20.50 Реклама. 21.00 Объективда — қайта куриш. 21.30 «Время». 22.15 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Жума,

17 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Болалар учун фильм. 10.20 Янгилликлар. 10.30 «Инсон институти». 11.30 Капиталлар ороли. Мультфильм. 12.00 Халқ чогузгалари. 16.00 Янгилликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Қишлоқ истиқболлари. 16.55 «Дўстлар даврасида». 17.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 17.55 Қувноқ стартлар. 18.40 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 19.50 Мультфильм. 20.00 Фигуралли

учуш. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Бу бўлган... бўлганди. 22.30 Нинго. 24.00 Катталар учун мультфильмлар.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Объективда жониворлар. 9.35, 10.35. Музика. 10.05 Инглиз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35. Музика. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Кафедра. Бадий фильм. 2-серия. 14.10 Янгилликлар. 14.20 Ритмик гимнастика. 17.35 Янгилликлар. 17.45 Ҳужжатли фильм. 18.05 Концерт. 18.35 Фестиваль экранни. 19.35 Ҳужжатли фильм. 19.55 РСФСР шахарлари телестудиялари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 СССР халқ артисти И. Кобзон концерти. 23.20 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 23.50 К. Вебер. «Оберон», операсига увертюра. 24.00 Футбол. «Спартак» — «Динамо» (Минск). 2-тайм. 00.50 Янгилликлар.

УзТВ

15.20 «Мен сизни севардим». Бадий фильм. 16.45 География. 17.15 Телефильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 «Ўғлим ҳақида». Ҳужжатли фильм. 18.50 Тилга эътибор. 19.30 Бригада хўжалик ҳисобига ўтди. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Бас-такорлар ҳақида ҳикоялар. Р. Турсунов. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Хат ва ҳаёт. 23.00 Чет эл киноси усталари. Р. Капур.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ўтган кунлар». Бадий фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Венецияда карнавал. Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Шанба,

18 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 Уй академияси. 9.55 Ҳужжатли фильм. 10.10 Кинорежиссёр Х. Норлиев фильмлари. 11.40 Социализм мамлакатларида. 12.10 Қалмак халқ шоири Д. Кугультинов билан учрашув. 13.40 Париж коммунист кўниги. 14.00 Шанба — ота-оналар кўни. 15.30 Дунё воқеалари. 15.45 Йил фасллари. Март. 16.45 Мўъжизасиз мўъжизалар. 17.45 Халқаро программа. 18.45 Кино билимдонлари конкурси. 20.00 Фигуралли учуш. 21.30 «Время». 22.05 Ботқоқлик. Бадий фильм. 1-серия. 23.15 Янгилликлар. 23.20 Ботқоқлик. Бадий фильм. 2-серия.

MT II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.50 Қишлоқ янгилликлари. 9.50 Талабларингизга биноан тақдорланади. 10.50 Ҳужжатли фильмлар. 11.40 Шаҳзода Флоризелининг саргузаштлари. Бадий фильм. 1-серия. 12.45 Эфирда музика. 14.45 РСФСР шахарлари телестудиялари. 15.30 Мультфильм. 16.15 Ҳужжатли фильм. 16.35 Телевизион музикали абонемент. 17.40 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.25 Булутлар ранги. Фильм-спектакль. 20.20 Реклама. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Молдавнинг юксак маҳоратли халқ санъаткорлари. 21.15 Ҳужжатли

фильм. 21.30 «Время». 22.05 Фильм-концерт. 22.25 Футбол. «Днепр» — «Зенит». 00.05 Янгилликлар. 00.10 Оммавий куйлар янгилликлари.

УзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 11.00 Қайта ишлаш тармоқлари тез суръатлар билан ривожлантирилсин. 11.30 Қани йўлга. 12.00 Г. Доничетти. «Кўнгиноқча» Самарқанд Давлат опера ва балет театрида комик операнинг саҳналаштирилиши. 13.10 Рассом ва китоб. 13.45 Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун. 14.20 Замандас. 15.20 Амалдаги интернационализм. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. 18.15 Оламга сәҳнат. 19.00 Маорифимиз муаммолари. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Эстрада калейдоскопи. 21.30 «Время». 22.05 Рақс санъати усталари. 23.10 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.55 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Якшанба,

19 март

MT I

8.30 Янгилликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото тиражи. 9.40 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Оламга сәҳнат. 13.00 Эртақ хузурида меҳмонда. Довжорак пахлавон Фат-Фрумос ҳақида қисса. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.20 Музикали кинос. 15.50 Очқиқ эшиклар кўни. 16.35 Фигуралли учуш. 17.30 Қишлоқ янгилликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.20 А. Косенков. Мулоҳаза учун бир кеча. Телеспектакль. 21.30 «Время». 22.05 М. П. Мусоргский тугилган куннинг 150 йиллигига. 22.20 Музикали ринг. 00.50 Янгилликлар.

MT II

8.30 Зарядкага сафланнинг. 8.45 Ҳужжатли фильм. 9.15 Концерт. 9.45 Украина ССР давлат телерадиоси. 10.45 Шаҳзода Флоризелининг саргузаштлари. Бадий фильм. 2 ва 3-сериялари. 12.55 Ҳужжатли фильмлар. 13.40 Б. Можаве. Емгир ёғди. Телеспектакль. 15.40 Агар сиз... 16.25 Мультфильм. 16.45 Архитектура ёдгорликларида музика. 17.15 Цирк нима? 17.55 Талабларингизга биноан тақдорланади. 19.15 Киносерпантин. 4-сон. 1-дубль. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Киносерпантин. 2-дубль. 21.30 «Время». 22.05 Киносерпантин. 3-дубль. 00.35 Янгилликлар.

УзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 Ойла даврасида. 11.00 Биргаликда куйлаймиз. 11.25 Спорт программаси. 12.25 Концерт. 13.35 Халқ севган достонлар. 14.35 Сайловлар олдидан. 15.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. 16.10 Реклама. 17.45 Мультфильм. 18.00 Усмирлар учун. 18.45 Бугун — уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кўни. 19.15 Мультфильмлар. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Насийи. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.50 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

КАПЛАНИНИНГ ТАҚДИРИ

Хурматли редакция! Иттимос, мени қизиқтиратган қўйидаги саволларга жавоб берсангиз: Улуғ дохиймиз Владимир Ильич Ленинга ўқ узган хотин — Капланининг тақдири нима бўлган? У ушлангандан кейин суд қилинганми ёки ўлдирилганми? Ваъзи одамлар Каплан то 1942 йилгача Магадада яшаган дейишади. Шу тўғриси? Ана шу ҳақда аниқ маълумот беришингизни сурайман.

Х. ВОСИДОВ,
Бекобод шаҳри.

1918 йил 30 августда Владимир Ильич Ленин Замоскворецк районидagi собиқ Михельсон заводи (ҳозирги В. И. Ленин номида завод) ишчилари олдида нутқ сўзлади. Дохий бу митингга ўз нутқини тамомлаб, автотомобилга яқинлашиб келганида, эсер-террорчи аёл Каплан Ленинга ўқ узиб, уни икки жойидан ярадор қилди. Владимир Ильич кўксига отилган бу ўқлар заҳарланганди...

Хўш, пролетариатнинг буюк дохийси ҳаётига суиқасд қилган эсер аёлнинг кейинги тақдири нима билан тутади? Бу саволга жавобни П. Д. Малковнинг «Кремль комендант хотиралари» китобидан (бу китоб 1987 йили Москвадаги «Воениздат» нашриёти томонидан чоп этилган) билиб олиш мумкин. Муаллиф, хусусан, шундай деб ёзди:

Владимир Ильичга суиқасд қилинган кунёқ, 1918 йил 30 августда, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг «Хаммага, ҳаммага, ҳаммага» деб номланган ва Я. М. Свердлов томонидан имзоланган махфур қақирғи чоп этилди. Унда инқилобнинг барча душманларига қарши шафқатсиз, оммавий террор эълон қилинган.

Бир ёки икки кундан сўнг мени Варлаам Александрович Аванесов (Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети секретари) қақиртирди.

— Зудлик билан ЧКга боргин-у, Каплани олиб кел. Уни шу ерга, Кремлга жойлаштириб, ишончли соқчилар қўй.

Мен машина қақиртириб, Лубянка томон жўнадим. Каплани олиб Кремлга келтиргач, Катта саройнинг Болалар бўлимаси остидаги ярим ертўла хонага қамадим. Хона кенг ва баланд эди. Панжара билан тўсилган дераза пол сатҳидан 3—4 метр юқорида эди.



Эшик ва дераза қаршисига постлар қўйиб, соқчиларга маҳбусдан кўз узмамлиқни қатъий тайинладим. Соқчиларни фақат коммунистлар орасидан шахсан ўзим танлаган ва ҳар бирининг вазифасини ҳам шахсан ўзим тушунтириб бергандим. Латиш ўқчилари Капланини эътиборсиз қолдиришлари мумкин деган нарсга ҳаёлимга ҳам келгани йўқ, бошқа нарсадан қўтирдик: соқчилардан биронта-си уни отиб қўямасин деган хавотирда эдик.

Яна бир икки-кун ўтгач, Аванесов тагин мени қақиртириб, қўлимга ВЧКнинг қарорини тутқазди: Каплан — отилсин, ҳукмини ижро этиш Кремлнинг комендант Малков зиммасига юклатилсин.

— Қачон? — қисқа қилиб сурадим Аванесовдан.

Доим раҳмдил, кўнгилчан Варлаам Александровичнинг жойидаги бирор томири қилт этмади.

— Бугуноқ. Зудлик билан.

— Ести!

Кескин бурилиб Аванесов хонасидан чиқдим ва комендатура томон йўл олдим. Ўзим жуда яхши билган латиш коммунистларидан бир нечтасини қақиртириб, уларга бор тапни батафсил тушунтирганимдан сўнг, биргаликда Каплани олиб чиқиш учун жўнадим.

Буйруғимга биноан соқчи маҳбус қўриқланаётган хонадан Каплани олиб чиқди, биз унга олдиндан ҳозирлаб қўйилган машинага чиқишни буюрдик.

1918 йилнинг 3 сентябрий, кундузи соат 4 да дохийнинг тўкилган қони учун ўч олинди. Хукм ижро этилди. Хукмини мен, большевиклар партияси аъзоси, Болтик флоты матроси, Москва Кремли комендант Павел Дмитриевич Малков — ўз қўлим билан ижро этдим. Агар тарих яна қайтарилиб, менинг тўп-понам оғзи рўпарасида, Ильичга қўл кўтаришга ботинган махлуқ турғудай бўлса, қўлим ҳеч қалтирамаган ҳолда, аввалгидек қатъият билан, бармоғим тепкини босган бўлур эди...

Эртасига, 1918 йил 4 сентябрь кўни «Известия» газетасида қисқа ахборот босилиб чиқди:

«Кеча, ўртоқ Ленинга ўқ узган ўнг эсер Фанни Ройд (Каплан) ВЧК қарорига биноан отиб ўлдирилди».

Баъшариат пролетарлари дохийсига ўқ узган аёл тақдирига ана шу тарзда нуқта қўйилди...

тети Бош секретари, 1934

йилдан 1953 йилгача ВКП(б)

— КПСС Марказий Комитети секретари ва 1941 йил март-апрелдан 1953 йил мартгача Халқ комиссарлари Совети — СССР Министрлар Совети раиси ефатида фаолият кўрсатган.

Гарри Трумэн (демократлар), Дуайт Эйзенхауэр (республикачилар) — 2 марта, Джеймс Картер (демократлар), Линдон Джонсон (демократлар), Ричард Никсон (республикачилар) — 2 марта, Жеймс Картер (демократлар), Рональд Рейган (республикачилар) — 2 марта, Жорж Буш (республикачилар).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда») Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке

Редакция адрес:
700083, ГСП, Ташкент,
Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-43,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими.

СПОРТ

УЙИН ЧИРЧИҚДА БУЛАДИ

★ «ПАХТАКОР» марказий стадион реконструкция қилинаётганлиги туфайли тошкентлик футболчиларнинг бугун «Кузбасс» [Иемерово] командаси билан СССР кубогини учун бўладиган ўйини Чирчиқ шаҳрига кўчирилди. «Сельмашки» стадионида ўтказиладиган бу учрашув вақти — соат 17.00 да. Футбол мухлисларини Чирчиқда таклиф қиламиз.

РАДИОННИНГ ЯНА БИР
ГАЛАБАСИ

★ ЛАНГАР билан сакрашда жаҳон рекордини ўратган тошкентлик Раднот Гатаулин Греция пойтахти Афинада ўтказилган халқаро мусобақаларда яна зафар кўчди. У 590 сантиметр баландликдан ошиб ўтиб мусобақанинг бош совринини қўлга киритди. Олимпиадалик Г. Егоров 570 сантиметр натижа билан учинчи, ригалик А. Обижаев 560 сантиметр натижа билан бешинчи бўлди.

ЕШЛАР УЙИНИ

★ РЕСПУБЛИКА ёшлари спорт ўйинлари программасидан жой олган суз полоси мусобақалари давом этмоқда. Икки турдан сўнг касба-союзлари кўнгилли спорт жамияти ва «Меҳнат резервлари» командалари иккитадан галаба билан пешқадамликни қилишмоқда. Кеча учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

ЮЗ КАТАКДА

★ ЭРКАКЛАР ўртасида халқаро шашка бўйича СССР олий лига чемпионати Тошкентда бошланди. Бунда жаҳон ва Европа биринчиликлари ғолиби, қатор йилри халқаро турнирларнинг совриндорлари, мамлакатнинг энг кучли спортчиларидан 18 киши қатнашмоқда. Уч турдан сўнг собиқ жаҳон чемпионлари, москвалик В. Шчеголев ва харьковлик В. Вирнийлар иккитадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Тошкентлик Николай Мешчанский учта ўйинни дуранг қилиб 1,5 очко тўплади.

В. С. МИТРОФАНОВ номдаги Тошкент суз спорт саройи ўзининг 25 йиллигини нишонлади. Ана шу давр мобайнида бу ерда сузиш, суз полоси, синхрон сузиш ва сузга сакраш бўйича кўплаб разрядли спортчилар, чемпионлар етишиб чиқди. Жаҳон чемпиони ва олимпиада ўйинлари ғолиби Эркин Шагаев, олимпиада совриндорлари Светлана Бабанина, Наталья Устинова, Сергей Конов, Сергей Заболотнов, Лариса Белоконов ва бошқа спортчилар нлк қадамларини шу ерда бошлашган. Бугунги кунда спорт саройида 25 мингга яқин ҳаваскорини сафига жаллаган 1300 дан зиёд соғломлаштириш гуруҳаси ишлаб турибди. СУЗАТЛАРДА: суз спорт саройининг кўриниши ва ёш спортчиларнинг машгулот пайти.

Ф. Қурбонбоев фотолари.
(УЗТАГ).

ҚАЙСИ ЛАВОЗИМЛАРДА
ИШЛАГАН?

И. В. Сталин РКП(б) Марказий Комитети Бош секретари бўлгач, умрининг охиригача шу лавозимда қолганми?

Л. ҒУЛОМОВА,
ишчи.

Иўқ. И. В. Сталин 1922 йилнинг апрелидан 1934 йил февралгача, яъни 12 йил мобайнида РКП(б) — ВКП(б) Марказий Коми-


УРУШДАН КЕЙИНГИ
ПРЕЗИДЕНТЛАР

АҚШнинг Рузвельтдан кейинги президентлари номларини билмоқчи эдик. Улар қайси партияларга мансуб эдилар?

А. МУЛЛАХОНОВ,
ўқитувчи.

1948 йилдан бошлаб, АҚШ президентлари қўйидаги тартибда сайландилар (қавс ичида уларнинг қайси партияга мансублиги кўрсатилган):

РАССОМ ҚУЛАДИ



Қайта қуриш ва мерганли.

Директор:— Корхонамизнинг туттун етмагандек, сен зум-раша нега икхонин сиңдираясан-а.

И. Жиянов ва Х. Содиқов чизган расмлар.

• МАВЗУГА ҚАЙТИБ •

ХИЗМАТ юзасидан бирмунча олдин Чиноз районидagi Навоий номи колхозга боргандим. Дала айландик, фермага бордик. Кишлоқнинг қайси қўчасидан ўтмайлик икки чети мевали дарахтлар. Тўғри, кўпи ҳали ёш. Олма, олхўри, ўриклар фарқ қилиб ётибди. Сухбат чоғида колхоз раиси Холдор Ақромовга бу ҳақда сўз қўшиб қўйдим.

— Бу ишни бошлаганимизга ўн йиллар бўлди, — гапни давом эттирди у, — қўчатларни колхоз ҳисобидан келтириб тарқатамиз, яъни бепул улашамиз, лекин кимнинг уйи олдидаги қўчат қаровсизлик оқибатида куриб қолса, қимматини беш ҳисса қилиб ундириб оламиз. Буни правление колхозчилар билан келишиб олган. Тўғри, аввалига, кўчада мева бўлмайдиган, болалар қоқеда, шохларини синдиради, мол пайхон қилади — самарасиз иш дегувчилар бўлди. Биринчидан, еса шу кишлоқнинг халқи ейди, иккинчидан

Шу ерда кенгроқ тўхталашга тўғри келади. Таъбир жоиз бўлса ўсимлик, дарахтнинг илдизини мен митти гидрелиз заводига ўхшатаман. Бодиринг кўпроқ сув, шу оилага мансуб мочалка синтетика, ошқовоқ крахмал, қовун қандни кўпроқ йигади. Хуллас, ҳар бир хил илдиз пояга, ўз мевасига керакли микроэлементларни йигади. Дарахтлар ҳам шундай. Аччиқ, тахир мева берувчи дарахт илдизлари маданий меваларга қердан керакли микроэлементларни бера олсин. Натижада бу дарахтларда шира йиғиш хусусиятлари йўқолиб бораёпти. Шунинг учун ҳам пайвандтагининг аҳамияти катта.

Раис бу ҳақда куюниб гапирди. Шу ўринда бундан бир неча йил аввал бўлган воқеа эсимга тушиб кетди. Чехословакияга сафарга борганимда тушлик вақтида иссиқ оқватлардан сўнг узум тортишди. Ҳар узумки, сурат дейсиз. Қопқора, йириклиги худди бизнинг ҳусайни-

сига ишлашимиз лозим. Вақоланки, табиатимиз шундайки, унинг нуридан дур унади. Шу ўринда яна бир чеккиниш қилишга тўғри келади, ГДРга командировкага борган синфдошим, олим Зоҳид Толибжонов шундай воқеани ҳикоя қилиб берганди:

— Ҳафта бўйи ишладик. Яқшанба дам эди. Айланиб юриб турар-жой массивига кириб қолибмиз. Кўчанинг икки бетидаги ноқлар шигил пишиб ётибди. Ҳавасимиз келди, мазасини билишга ихтиёр қилиб, минг ҳижолат билан, уят бўлмасикан деб у ёқ-бу ёққа аланглаб ноқдан биттадан уздик. Эртаси кун таржимонимиз келганда бу билан ноққа иш қилмадикми деб сўрагандик, у йўқ, бу ҳеч қандай айб эмас, хоҳлаганча узиб ейиш мумкин, фақат териб олиб кетиш мумкин эмас, деб жавоб берди. Дарахтларни эса шу атрофда яшовчи оилалар парвариш қилишар экан.

Яна бир воқеа. Утган йили Нальчикка дам олишга бордим. Улкамиз меваларидан деб 5—6 килограмм ёнғок сотиб олдим. Килограммининг тўрт ярим сўмдан. Нальчикда бўлса ёнғокнинг килограмми иккинчи ярим сўм экан. Еру кўк ёнғок. Ёнғокзорлар шундай кўпки, ҳайрон қоласиз. Катта грузин йўли бўйлаб экскурсияга чиқдик. Кун бўйи юрдик. Катта йўлнинг бир чети қатор асим туп ёнғок дарахтлари. Шаҳар ташқарисидagi кўп йўлларнинг бўйи ёнғокзор. Меваси иримайди; чиримайди. Дам олувчилар ҳам тоза ёнғокзорлик қилишди. Дам олиш уйлари, санаторийларнинг боғларида мевали дарахтлар сероб. Фарқ пишиб ётибди. Бозорда катта пиёладек келадиган, бизнинг қора гилос каби тўқ қизил, юлдуздек чатнаб турган олманнинг килограмми бир сўм. Сархил ноқларнинг нархи ҳам шундай.

Аслида шундай тўкинчилик бизда бўлиши керак. Айрим йиллар ёз пишигида ноқ, олма, шафтолиларнинг нархи 3—5 сўмга чиқиб кетади.

Азим Тошкентда қанча кўчалар, турар-жой массивлари бор. Кўпиди манзарали дарахтлар, айрим жойлар эса худди дашту-биёбоннинг ўзи. Тошкент шаҳри аҳолисининг сабзавот-меваларга бўлган эҳтиёжининг яримдан кўпини шахсий томорқалар қондираётгани сир эмас. Агар имконият қидириб мевали дарахтлар кўпроқ экиلسа, бу қўшимча юзлаб гектар бог-роғлар деган гап эмасми? Бундай бог-роғлар ҳосили билан Озёқ-оқоқт программасини бажаришни тезлаштиришга катта ҳисса қўшмоқ мумкин. Шаҳарларга катта ҳисса қўшмоқ мумкин. Дегаддек ёнғок йўллар бўйлаб ҳеч бўлмаганда ёнғок экиш мумкин эмасмикан! Электр симлари йўқ, ҳалақит бермайди. Қайтага қуюқ соя бериб, иссиқ кунда йўловчиларга паноҳ бўлади.

Янги ТошМИга киришингиз билан ўнг томонда бир гектардан кўпроқ ерга манзарали дарахтлар экилган. Хўш, унинг ўрнига ёнғок, гилос, беҳи, олма ва бошқа хил мевалар экилса бўлмасиди! Бўларди. Бўлганда ҳам жуда соз бўларди. Сўппалар дарахтлар ўрнида акюйб боғи эрем пайдо бўларди. У ердан чиқиб қалқа йўл томон юринг. Йўл четларида 30—50 сотихлик бўш ерлар бор. Айрим қисмларига яна манзарали дарахтлар экилган. Шаҳримизда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳаракатда баракат. Хулоса чиқариб олиш вақти келди. Қиш қанчалик заботга олмасин, фасллар гўзали баҳор борлигини ўз ичига солмоқда. Дарахт шохларида куртаклар пайдо бўла бошлади. Вақти-вақти билан эсаётган ёқимли еллар эса баҳор тараддудини кўр деяётгандек бўлади. Бу демак, қўчатчилик ишлари бошланишдан дарак. Қўчатлар ҳисобини қилиб, шаҳар ҳузуридаги «резерв» боғлар ҳақида ўйлашга бир эҳтиёж сезайлик. Бог-роғлар ташкил этайлик. Унинг режасини ҳозирданок тўзмоқ зарур. Бу ишда фақат ободончилик бошқармаси эмас, халқ депутатлари шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари, маҳалла комитетлари, кенг жамоатчилик бир ёқадан бош қикариб киришса айна мудоё бўларди. Биз шу хусусдаги кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаси, тақлиф ва истақларини билишни истардик. Бундан ташқари мевазор боғларни кенгайтиришда оммалаштирса арзийдиган тажрибалар ҳақида ёзиб юборилса, бажонудил газета саҳифаларида еритиб борардик.

Будир ПУЛАТОВ,
журналист.



ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ НЬО-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг Ливандаги муваққат кучлари жойлашган зонасида Исроил қуроли кучлари ҳаракатлари муносабати билан Исроилга норозилик эълон қилди.

БМТ Бош секретарининг вакили хабар қилганидек, сешанба кун Исроил қуроли кучлари БМТ муваққат кучлари ҳодимлари учун Исроил билан Ливан ўртасидаги чегарани ўзбошимчилик билан ёпиб қўйдилар, бу чегара бир кундан кейингига яна очиб қўйилди.

✦ НЬО-ЙОРК. БМТ Намибияга мустақиллик бериш режасини рўйга чиқаришга амалий тайёргарликни бошлаб юборди. БМТ Бош секретарининг вакили, БМТнинг Намибиядаги қуроли кучлари қўмондонини генерал-лейтенант Прем Чанд (Хиндистон) бутун территория бўйлаб сафарни тугаллади ва ҳозир Жанубий Африка республикаси қўшинлари Намибиядан олиб чиқиб кетилишини, шунингдек, маҳаллий ҳарбий қўшинлар тарқатиш юборилишини қузатиб туриш ишларини режалаштирмоқда.

✦ НЬО-ЙОРК. Американинг Шарлотт шаҳри яқинидаги (Шимолий Каролина штати) «Макгай» атом электр станциясида жиддий мождаро рўй берди. АЭСнинг эгаси бўлган «Дюк пауэр» компаниясининг маъмурияти станция усунидагидаги нозонлиқ туфайли атмосферага радиоактив чиккини чиққандан кейин иккита реактордан бирини тўхатиб қўйишга мажбур бўлди.

✦ ТОКИО. Жанубий Кореядаги энг катта оппозиция гуруҳи — демократик ҳаракатлар миллий уюшмаси радикал кайфиятдаги студентлар энг йирик ташкилотлар студентлар вакиллари миллий кенгаши билан биргаликда бўлажак миллий референдумда президент Ро Дэ Уни мағлубиятга уратиш учун оппозицияга бошқа партиялар билан қўш-гайратларни бирлаштиришни ёқлаб чиқди.

[ТАСС, 9 март].



✦ ЭРНЕСТ Хемингуэйнинг дўстлардан бири доктор Хосе Луис Сотоноло яқинда «Санди таймс» мэгэзини журналда машҳур адибнинг ҳали мавбут юзини кўрмаган фотосуратларини эълон қилди. Езувчи ҳаётининг Кубадаги даврини қамраб олган бу фотосуратлар чинкам шов-шувга сабаб бўлди. СУРАТДА: Хемингуэй ўрғатилган фил билан. ТАСС фотохроникаси.

ҲАМОН ГАПЛИГИЧА ҚОЛИБ КЕТМОҚДА

«ЛОҚАЙДЛИК ГИРДОБИ» МАҚОЛАСИ
МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

болалар бир синдиради, икки синдиради, доим синдиравермайдик-ку, қолаверса, болаларни ўргатиш бизга боғлиқ. Сув кўйи, тагини юшатиб туришга ўргатсак, ўзи меҳнат қилса, синдирамайдик. Шундай ҳам бўлди.

Холдор ака «Тошкент ҳақиқати» газетасида олдинроқ эълон қилинган «Лоқайдик гирдобини» мақоласида билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларнинг жуда ўринлигини, бу ўз вақтида кўтарилган ўта муҳим муаммо эканлигини таъкидлаган ҳолда қатор фикрлар билдирди. Сухбатимиз қизиқ кетди. Мен унга айрим мевалар, чунончи ноқ, олма-ларнинг илгариги яхши навлари камайиб кетаяётганини, таъкидлаб, буларга асосий сабаблар нима бўлиши мумкин, деган мазмунда савол бердим.

— Мен ўзим ўйлаб турган саволни бердингиз. — ички қайғуриш ҳислари билан суҳбатни давом эттирди. — Мавзудан биروز четга чиқсак ҳам шу ўринда бир мисолни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги вақтларда айрим илмий ҳодимлар жаҳонга донги кетган қовунларимиз қолиб Узёқ Шарқ, Краснодар томонлардан ханда-лакисфат майда қовунларни олиб келиб молсотириш, чатиштириш ҳаракатларини олиб бормоқдалар. Бу илмий иш эмас. Илмий унвон деб бундай йўл тутиш гуноҳ эмасми? Қайтага ўзинингнинг йўқолиб кетган асати, чўқари, қизил уруғ, қўқча, шакарпалак каби асалдек ширин қовунларни тиклаш ҳайрли иш бўлмайdimи!

Мевачиликда ҳам шу каби кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда. Илгари ноқларимиз қандай тотли, муаттар ҳидли бўларди. Ҳозир базиллари резинка, пишманган беҳига ўхшайди. Хўш, бунга сабаб нима? Айрим илмий муассасаларда табиатга бешафқат муносабатда бўлиш, қолаверса, илмий иш деб сувдан холва ясашларидир. Шу каби ишлар номи чиққан Шредер номи узумчилик-боғдорчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўляпти. «Антипка» деган, тоғда ўсадиган дарахт ниҳолига гилос уланади. Тўғри, антипка узоқ яшайди, лекин у тоғ-тошлар орасида, сув кам жойларда улғаяди. Бизнинг ерларда, боғларда куриб қолади. Энди ҳосилга кирганда сўлиб тушади. Илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида кўпроқ тоғларда ўсувчи ёввойи дарахтларнинг уруғи сепилиб пайвандга яратилади. Унга мевали дарахт куртаги уланади. Хўш, бу ёввойи дарахтлар илдизи куртақдан ўсган меваларга нима бера олади?!

дек келади. Жуда чиройли. Ҳавас билан оғизга солдик. Тахир. Бошқа қўл урмай қўяқолдик.

Ховлида тўппаниб тургандик, йўлбошловчимиз қандайдир ташвишли кўринишда, саросимали билан олдимизга келиб сўраб қолди: Нера /узумни емадинглар!/

Биз, узум эмас, гўра-ку, шуни ҳам еб бўладимиз дегандик, у ҳайрон бўлиб, нима, сиз томонларда бундан ҳам ширин узум бўладимиз, деб яна сўз қотди. У бу ерда бир гап бормикан дегандек ҳамон ҳайрон тикиларди. Афтимиздаги хотир-жамликдан сўнг тўғри мақсад билан гапирётганимизга қаноат ҳосил қилди, шекилли, чехраси очилиб, кўнгли жойига тушиб, ҳаяжонининг сабабини тушунтирди.

— Ошхонадагилар шу туристик группанинг тоза омади бор экан... (узумнинг нави ёдимдан кўтарилибди) мазза қилиб шу узумдан тановул қилишадиган бўлишди, дейишиб сизларга ҳавас қилишибди. Бу хил узум мамлакатимизнинг жануб қисмида битади. Халқимизнинг энг суйган, доврўғи кетган неъматларидан бири. Шунинг учун ошхонадагилар емаганларингдан жуда ҳайрон бўлишган, ҳар хил, ҳатто ноққа фикрларга ҳам боришган ва мендан сабабини билиб беришни илтимос қилишди.

Хулоса шунки, еримиз, қўшимиз, ўлкамиз табиати бетакор. Унда эртаклардаги каби мевачевалар серҳосил, ширин-шакар, тотли. Табиат ўлкамизга шундай инъом қўрсатибди. Унинг доврўғи жаҳонга кетибди. Наҳотки энди биз Култегин, Навоий, Фурқат замонларидан ўлмай келган, авлод-аждодларимиз неча асрлар оша асраб-авайлаб, навларини сархиллаб келган табиат инъомларини атом асрига етганда душманининг ишини қилгандек айтсак. Бу кеңирарли ҳол эмас. Мутасадди ўртоқлар, масаланинг бу омади томонини ҳисобга олиб иш тўтаслар айна мудоё бўлур эди.

«Лоқайдик гирдобини»да тилга олинган масалаларнинг яна бири — кейинги даврларда бог-роғларнинг камайиб кетаяётганлигидир. Мақола эълон қилингандан сўнг газета саҳифаларида мутахассислар, кенг жамоатчиликнинг фикрлари, тақлиф ва мулоҳазалари эълон қилинди. Лекин негизда ҳаммаси гапигича қолиб кетмоқда. Амалий ишлар сезиларли даражада бўлмаяпти. Эски ҳаммом, эски тос деганларидек, ваъдобошликдан қутула олмаймиз. Қайта қуриш даврида янгича-

• Газетхон хатларини ўқиб •

БУТУНГИ кунимизни инқилобий қайта қуриш даври, деб атаймиз. Бу гапда муболага йўқ. Ахир турғунлик даврининг махсус бўлган барча ярамас иллатлар билан бутунги ҳар соҳада янгиланиш ҳаракати ўртасида қизғин, аёвсиз кураш бормаяптими?

Атрофимизга бир қарайлик. Сийсий, иқтимоий, иқтисодий, ҳатто, миллий мавзуларда ошқора, мурасасиз баҳслар, ўзгаришлар, янгиланишлар бўлаяпти. Марказий ва республика газета-журналларида назар ташлайлик, радиоэфиридаги ва телевидение кўрсатувларини тинглаб, томоша қилайлик. Сўз эркинлиги, фикр эркинлиги матбуот эркинлиги воситасида намойён бўлаяпти.

«Известия» газетасида «Письма...не для печати» рубрикаси очилганига анча бўлди.

«Правда» газетасида кейинги пайтларда пайдо бўлган «Бошлангич партия ташкилотларидан хатлар», «Масалалар, фикрлар, далиллар», «Правда жумалликлари» рубрикалари билан босилаётган материалларнинг мазмунини шундайлик, турғунлик даврида бу ҳақда гапириш, ёки ёзиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашнинг ўзи таҳликали эди. Мана энди айтишнинг, ёзишнинг. Редакциялар ҳолис фикрлар учун минбар ажратаяпти.

Ҳозир «Тошкент ҳақиқати» газетасида ҳам янги рубрикалар пайдо бўлди. Чунотчи, «Аслида босиш» учун мулжалланмаган хатлар», «Редакцияга келган хатлардан», «Қайта қуриш: сўзда ва амалда» рубрикалари газетга саҳифаларида энди тез-тез пайдо бўлаяпти.

Хулоса шуки, инқилобий қайта қуриш ҳаракати шарофати билан кишиларда граждандлик туйғуларини уйғона бошлади, жамиятни соғломлаштириш, барчага баробар социал адолатнинг тикланиши тарафдорлари активлашмоқдалар.

«Тошкент ҳақиқати»га келадиган хатларнинг мазмунини ҳам, мазмунини ҳам кейин-

Қайси бири тўғри. 1954 йилда (мен партом секретари эдим) клуб пештоқига «Меҳнатсиз турмуш ўғирликдир» цитатада «ўғир» деб ёзилгани учун жазо олганман. Ўғри-ўғир ҳақида телевиденининг тил-маданият кўзгусида ҳам олимларимиз яқинда гапирдилар-ку. «Ўғри» бу ўғри, «ўғир» эса — хованча, янчиш, майдалаш асбоби-ку.

рига яна бир марта мурожаат қилади. Маълумки, фақат редакция ходимларининг кучи билан газета материаллари мавзусини ранг-баранг, сермазун, ўқимини қилиб бўлмайди. Бунга эришиш учун газет-хонларнинг иштироки, албатта, зарур. Бунинг мураккаблик жойи йўқ. Ҳаммамиз ўзимиз ишлаётган, ўқийётган, яшаётган жойимизда вазиятни, воқеа-ҳодисаларни кузатайлик, берай, лоқайд бўлмайлик, матбуотларда эълон қилинган муаммоли мақола-ларга ўз муносабатимизни билдирайлик. Ана шунда матбуот чиқишларининг таъсири, фойдаси кучаяди.

Чунотчи, ҳурматли М. Муҳамедов ўз хатларида келтирган «Ўғрилик, жазо, натижа» мақоласида ҳам куюнчак газетхонлар эътибор беришга арзийдиган муаммоли фикрлар ўртага ташланган эди. Энди ўша мақоладан айрим парчаларини газетда қандай босилган бўлса, шундайлигини, яъни имловий хатосини (ўғирлик) тuzатмай айнан келтирамиз:

«Агротехнопарк комплекси корхоналарида майда ўғирлик, ташмачилик илгариги қандай бўлса шундай давом этаётган. Қоровуллар уларга қарши илгари қандай курашган бўлсалар ҳозир ҳам шундай кураш-яйтилар. Давлат ва жамоат мулки худди илгаригидек кинотраммлаб, литрлаб, дона-лаб ташиб, ўғирлаб кетиляпти. Қўлга тушганларга илгари қандай чора қўрилган бўлса, ҳозир ҳам шундай чора қўриляпти. Яъни биринчи марта ушланганларга жарима солинадиган, иккинчи марта қўлга тушиб қолса... ўз аризаси билан(?)

ишдан бўшатилади. Кейин у бошқа корхонага ишга жойлашиб, ўғирликини давом эттираверади».

Ёки мана бу парчадаги фикрга эътибор беринг: «...тўғш ва сут маҳсулотлари комбинатларидан юк ортан машиналар кетма-кет чиқиб туради. Улардаги юкнинг ҳаммаси ҳужжатлими? Йўқ. ҳужжатсизлари ҳам бўлар экан. Об-ласть ички ишлар бошқармасининг махсус группаси ҳар сафар рейд ўтказганда комбинат дарвозаларидан чиқадиган машиналарда магазин пештахталарида бўлмайдиган, оддий харидорлар (яъни меҳнатқиллар) умуман кўрмайдиган тансиқ маҳсулотлар топилди. Лекин рейдлар ахён-ахёнда бир марта ўтказилди-ку? Бошқа маҳал дарвозадан чиқадиган машиналарни ким текширади? Ичиди тансиқ маҳсулотлар кимларга атайган?»

Бизнингча, мана шу сатрлардаги фикрлар бутунги янгиланиш даврида ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги керак. Матбуот саҳифаларини варақлаб, мақолаларни кўздан кечирар эканмиз, аввало уларнинг мазмунига, кўтарилган муаммоларнинг моҳиятига зеринимизни қаратайлик. Газета ва журналларда, телевидение ва радиода фақат журналист-у, ижодкорлар чиқаверишса-да, халқ оммаси бир четда аралашмай қолаверса, катта умидлар билан бошланган қайта қуриш жараёни олға босмай, бир ерда депсиниб тураверади. Бинобарин, матбуот органларининг чиқиш-ларига лоқайдлик уларда билиб-билимай йўл қўйилган имловий хатодан кўра анча зарарлидир.

ГРАЖДАНЛИК БУРЧИМИЗНИ НАМОЁН ЭТАЙЛИК

ги пайтларда анча ўзгарди. Улар орасида, газета материалларида муносабат билдирилганлари ҳам учраб туради. Қуйида ана шундай хатлардан бирини асл ҳолида, яъни хатнинг ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ҳатто имлосини ҳам аслида қолдириб эълон қиламиз:

«Журматли редакция! Мен «Тошкент ҳақиқати»нинг доимий ўқувчисман. Айниқса, охириги пайтларда жуда сермазун ва жуда қизиқарли чиқаяпти. Яқинда 19 январь 1989 йил №14 сонини 2 бетига, «Ўғрилик, жаза, натижа» сарлавҳа билан обличироком чораси босиб чиқарилди. Ўқиб ўтириб бир нарсасга ҳайрон бўлиб қолдим. Шу мақолада 10 марта «Ўғрилик, ўғри» сўзи қайтарилган. 10 тадан 6 таси «ўғир» деб ёзилганини кўриб, ҳайрон қолдим.

Менимча фокиза тилимизни бузмаганимиз маҳдуд. Нима дейсиз!

Сизга салом ила

М. Муҳамедов,
шахсий пенсияер, партия ва меҳнат ветерани,
мутахассислигини агроном.

Ҳақиқатан ҳам «Ўғрилик» сўзини икки хил ёзиб редакция имловий хатога йўл қўйган. Гарчи ўзбек тили имло луғатлари ва русча-ўзбекча луғатларда ҳам ҳар хилликка йўл қўйилган ва бу ҳол редакциянинг ҳам қалғишига сабаб бўлса-да, редакция ўз хатосини тан олади ҳамда хат муаллифи ҳурматли М. Муҳамедовга хатони тузатиш мақсадидаги холис кўмаги учун миннатдорчилик билдиради.

Шу воқеа муносабати билан редакция ўзининг кўпминг сонли газетхонла-

• ЖАНГОВАР МИНБАР •

ҲУРМАТЛИ РЕДАКЦИЙА! Мени 1986 йили район Советига (ҳозирги Янгйўл шаҳар Советига) 36-сайлов округидан В. И. Ленин номи колхозининг барча меҳнаткорлари ишонч билдиришиб депутат қилиб сайлаган эди. Шу ўринда менга депутатлик нақизи, яъни колхоз трактор паркида маданий ва маиший ҳамда тракторчиларнинг иш шартларини яхшилашга ёрдам бериш топширилди. Дастлабки йилларда мен нақазимни бажаришга сайловчиларим олдига сўз бериб ишга киришган эдим. Аммо бу иш мен ўйлаганча-ла енгил эмаслигини ва ечимини кутаётган муаммолар қандай бўлса шундайлигини турганини ҳозирги пайтда аяққол кўрса бўлади.

Маълумки, барча техника ремонтни биз учун ҳар йили қиш фаслига тўғри келади.

Оғир ишлар қўл кучи билан бажарилаяпти. Бу ҳақда депутат сифатида шаҳар ижроия комитети раиси А. Юсуповга хат орқали мурожаат қилдим. Колхоз правленесининг ҳар йилги мажлисларида эслатиб ўтаман. Яқинда колхоз правленесининг ҳисобот йиғилишида шу масала юзасидан сўзга чиқмоқчи бўлиб музокарага ёзилган эдим. Аммо саккиз киши музокарага чиққандан кейин сўзга чиқиб тўхтадилди. Шундан кейин справка орқали савол бериб жавоб сўрасам колхоз раиси Н. Авазов «трактор парки қурилиши бўйича Янгйўл шаҳар санэпидстанцияси актра қўл қўймайди, гаражнинг аҳоли йхши, нима энди тракторлар-

ни ремонт қилиш учун ҳам, монга олиб кириб боши устидан иссиқ сув қуйиб турайлик», деб жавоб қайтарди. Савол берганимга пушаймон бўлдим. Чунки, залда ана шу сўзлар учун қўлги кўтарилди.

Ахир ўйлаб кўринг, инсон саломатлиги йўлида, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун партия-ҳукуматимиз бир қанча қарорлар қабул қилаяпти. Шу ўринда оқиндан-очик айтиш керакки, илгари ҳар бир бригадда 30—40 нафар хотин-қиз ишлаган бўлса, эндиликда битта бригадда 10—15 дан ошмайди. Бундай бўлишига нима сабаб? Қишлоқда қўлиб меҳнат қилишни истайдиган ёшлар йил сайин камайиб кетаяпти. Мен 1985 йилдан бери КПСС аъзосиман, бу ҳақда ҳар бир партия йиғилишида муҳокамага ташланган масаланинг жавобсиз қилинишинг гувоҳи бўламан. Колхозда ёшларимиз учун етарли шартот йўқ.

Ҳозир Ниязобш қишлоғининг аҳолиси 22 минг кишидан ошиб кетди. Яқинда бўлиб ўтган Ниязобш қишлоқ Советининг сессиясида ижрокком раиси Р. Сайидқосимовнинг докладини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушладим. Қишлоқда муаммолар шунчалик кўп эканини, бу муаммолар ҳар йили айтилса ҳам сурўвқасига бажарилмай кетаяпти. Бу ўринда қишлоқ Советига ёрдамни ким беради? Оддий бир нисол: 1970 йилдан бери трактор парки қурилиши ҳақида тақлифлар қилинса-ю, аммо бажарилмас. Биз қўлгина кадрларни йўқотаямиз, бунга сабаб

ишчиларга етарли шартот яратиб берилмагани ҳамда кўпчилиги касаллик яъни радикулит, бел оғриги, ревматизм асоратлари. Менга ўхшаган депутатлар мансабдор шахсларга мурожаат этишса, олдига ҳўп бажарамиз, деб ваъда устига ваъда беришадю, амалда эски ҳаммом, эски тос. Ахир қачонгача бир-биримизни қуруқ ваъда

шибди. Бу ўринда кимга ишонса бўлади?

Н. Авазовнинг санэпидстанция актра қўл қўймайди, деган жавобига нисбатан шахсан ўзим шу станция бўлим мудири билан суҳбатлашганимда колхоз правленесининг бошқа айбларини яъни аҳоли ишаб турган жойга туташ Гулбоғ ота қабристонини ёнида ахлатхона очганлиги

ҚАЙСИ ИДОРА ЭШИГИНИ ҚОҚАЙ

билан алдаймиз. Наҳотки турғунлик йилларидаги воқеалар бизга сабоқ бўла олмайд.

Менимча, ҳозирги қайта қуриш даврида оғиздан айтилган сўз бажарилиши керак. Бизда эса бунинг акси бўлиб келмоқда. Бунга бир мисол. 1987 йилнинг якунида колхоз тракторчилари район ҳўжалликлари ўртасида социалистик мусобақа якунига кўра кузги-қишқи шудгорлашни иккинчи бўлиб бажарганликлари учун РАПО томонидан 500 сўм пул билан муқофотланган эди. Колхоз бош инженерининг жавобига қараганда РАПО пулини колхоз бухгалтерисига ўтказган, аммо бухгалтерия бу пулни олмаган. Икки ўртада механизаторлар муқофот пулини оломай «муқофот пули ҳам туя бўлди» деб юри-

ҳақида меҳнатқиллардан қўлаб шикоят ва аризалар тушаётгани ҳамда шу аҳоли пунктда жуда кўп касаллик аниқланаётгани ҳақида менга сўзлаб берди. Менимча, врач ҳақ.

Бу ердаги аҳоли ичимлик сувини водопровод ўрнига қудуқлардан олади. Оддий уй-руғор буюмларини ҳам шаҳарга бориб харид қилиш-

моқда. Шу ерга магазин, маиший хизмат объектлари қурилишини тақлиф этиб, шахсан менга мурожаат қилишмоқда. Шаҳарга қишқангиз қадамингизда магазин. Наҳотки, шундай магазинларни қишлоқда қуриш имкони бўлмаса. Ҳозирги пайтда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни йўқотиш масаласи кўрилаяпти-ку.

Шу масалалар бўйича мен бир неча ташкилотларда бўлдим, ҳаммаси қуруқ ваъда билан тинчлантиради. Бизга ишонган меҳнатқиллар эса биздан ваъда эмас, амалий иш бўлишини кутмоқда. Менин сайловчиларим бўлса «Ана, депутатнинг қўлидан бир иш келмай юрибди. Деб кинога қилишмоқда. Энди мен нима қилай, мени гапимга қўлоқ солмаяпти, деб қайси идорага бориб эшик қоқшим керак? Нима бўлса ҳам сиздан, яъни матбуотдан ёрдам сўраб хат йўллашга мажбур бўлдим.

Ортиқали БОЛТАБОВ,
Янгйўл районидagi Ленин номи колхоз тракторчиси, Янгйўл шаҳар Советининг депутати.

РЕДАКЦИЯДАН: О. Болтабоевнинг хати аслида қандай бўлса шундайлигини аълон қилияпти, баты ўринлардаги тахрирининг бўлиши шундан. Аммо гап бунда эмас. Муаллифини ёзишга мажбур этган носоголом вазият юз фоз бўлмаса-да, аксарият кўпчилик депутатлар фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Фарқи шундаки, шу пайтгача бирор депутат ўзининг фаолиятисизлигини ёки бунга ижгон бериш-маётгани ҳақида редакцияга мурожаат қилмаган эди. О. Болтабоев биринчи бўлиб бунга назар этган экан, унинг ташаббуси бошқа барча депутатларга туртки бўлмоғи керак. Чунки, халқ депутати — халқ хизматкори. Халқ жан-фаатини ҳимоя қилиш йўлидаги ҳар қандай говларини фом этиши, енгитиш, мақсадидаги эришши шарт. Бу йўлда редакция уларга холис ёрдамга тайёр.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба, 13 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Умид билан ўтган етти кун. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. Танаффуслар (10.40) — Янгиликлар. 11.55 Хайвонот оламида. 12.55 Бизнес мерос. Узга қирғоқлар. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 Хужжатли фильм. 16.55 Дадам, онам ва мен. 17.25 Шеърят лаҳзалари. 17.30 Болалар соати. 18.30 КПСС Марказий Комитетининг Пленуми олдидан. 19.00 Мультфильм. 19.10 Футбол шарҳи. 19.40 Жаноб де Мольер шарафига бор-йўғи бир неча сўз. Телеспектакль. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Олам кинокамера кўзгусида. 23.15 Фильм-концерт. 23.50 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35, Тарх. 10.05 Рус тили. 11.05 Информатика асослари. 11.35, 12.35 Очилган кўрик. 12.05 Италия тили. 13.05 Учувида менинг ҳаёлим. Бадий фильм. 14.15 Янгиликлар. 14.25 Ленин. СССР чемпионати. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Хужжатли фильм. 17.55 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 18.55 Тошхобиниз концерт. 19.25 Хужжатли фильм. 19.55 Волейбол. СССР чемпионати. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин кичкинтойлар! 20.50 Киножурнал. 21.00 Тонгги почта. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Янги Вавилон. Бадий фильм. 23.45 Хужжатли фильм. 23.55 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Жальгирис». 00.45 Янгиликлар.

УзТВ

15.30 Телефильм. 16.00 Унутилмас кунлар. Бадий фильм. 17.30 Телефильм. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Наташа учун эртақ. Кўйричок фильм. 18.25 Бойчаке. 18.55 Амадаги интернационализм. 19.25 Санъат олами. 20.00 Ахборот. 20.15 Сайловлар олдидан. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Насриддин Хўжада. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Инсон ва қону. 20.25 Телефильм. 20.50 Тошкент студияси кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Душанба кўрсатади.

Сешанба, 14 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Жаноб де Мольер шарафига бор-йўғи бир неча сўз. Телеспектакль. 10.55 Янгиликлар. 11.05 Бу бўлган... бўлганди... 11.25 Болалар соати. 12.25 Олам кинокамера кўзгусида. 15.55 Янгиликлар. 16.05 Сайловлар олдидан. 16.15 Концерт. 16.45 Хужжатли фильм. 17.15 Мультфильмлар. 17.50 Хор плус биз. Конкурс. 18.35 Хокимият—Советларга. 19.05 Дунё воқеалари. 19.20 Кинорежиссёр А. Сокуров фильмлари. 21.30 Сайловлар олдидан. 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 24.00 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 10.05

Француз тили. 11.05 Дадам, онам ва мен. 11.35, 12.35 Табиатшунослик. 12.05 Француз тили. 13.05 Янги Вавилон. Бадий фильм. 14.35 Янгиликлар. 14.45 Ритмик гимнастика. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Мари. Бадий фильм. 18.50 Мультфильм. 19.05 Концерт. 19.30 Грузия телевидениесининг программаси. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Киножурнал. 21.00 Ритмик гимнастика. 21.30 «Время». 22.00 Сайловлар олдидан. 22.10 Детектив ўйини. Телеспектакль. 23.25 Янгиликлар. 23.30 Оммавий куйлар янгиликлари.

УзТВ

15.00 Телефильм. 15.55 Буланка меҳмонхонаси. Бадий фильм. 17.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Ҳар доим бўлсин онам! 18.40 Жиноят ҳуқуқлари. 19.15 Мультфильмлар. 19.30 Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.20 Сайловлар олдидан. 21.30 «Время». 22.00 Кувноқлар ва зукколар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Телефильм. 19.50 Ота. Бадий фильм. 21.20 Сайловлар олдидан. 21.30 «Время». 22.00 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Чоршанба, 15 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Телеконкурс. 9.50 Мулозим. Бадий фильм. 11.20 Янгиликлар. 11.30 Саёхатчилар клуби. 12.30 Фильм-концерт. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Музикали хазина. 17.00 Фан: назария, тажриба, практика. 17.45 Болалар соати. 18.45 Хокимият — Советларга. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 ВАСХНИЛ президенти, академик А. А. Никонов сўзи. 19.45 Шеърят лаҳзалари. 19.50 Хужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Концерт. 22.30 Телевизион танишув туркумидан. 24.00 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 10.05 Немис тили. 11.05 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 11.35, 12.35, Биология. 12.05 Немис тили. 13.05 ва 17.35 Янгиликлар. 17.45 Кафедра. Бадий фильм. 1-серия. 18.55 Гап маошдами? Телеочерк. 19.30 Концерт. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Кафедра. Бадий фильм. 1-серия. 23.25 Концерт. 23.45 Хокей. СССР чемпионати. 01.05 Янгиликлар.

УзТВ

15.30 Кинопрограмма. 16.45 Рус адабиёти. 17.15 Телефильм. 17.30 Биология. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 Камалек. 19.15 Ижод саҳифалари. Т. Г. Шевченко. 20.00 Ахборот. 20.15 Сайловлар олдидан. 20.30 Ахборот. 20.50 Қўшиқларга айланган умр. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ҳимоя учун сўз. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Телефильм. 19.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.25 Телефильмлар. 21.05 Пулс. Информацион курсатув. 11.15 Сенинчевск тўйлари. Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Пайшанба, 16 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 Дадам учун қайлик. Бадий фильм. 10.30 Янгиликлар. 10.40 Концерт. 11.10 Болалар соати. 12.10 Чегара билмайди. Халқаро экологик программа. 15.55 Янгиликлар. 16.05 Сайловлар олдидан. 16.15 Хужжатли фильмлар. 16.55 Концерт. 17.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.15 Биз қандай дам оламиз. 18.45 Шу куннинг почтаси. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Хокимият Советларга. 20.00 Фигурали учини. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 СССР халқ артисти Е. Светлановнинг ижодий кечаси. 00.15 Дунё воқеалари.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Биология. 10.05 Испан тили. 11.05 Сиз яратган бог. 11.35, 12.35 Биология. 12.00 Испан тили. 13.00 Кафедра. Бадий фильм. 1-серия. 14.40 ва 17.35 Янгиликлар. 17.45 Кафедра. Бадий фильм. 2-серия. 18.55 Хужжатли фильмлар. 19.30 Аъналарга садоқат. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Хужжатли фильм. 21.05 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Кафедра. Бадий фильм. 2-серия. 23.20 Янгиликлар. 23.25 Хужжатли фильмлар. 23.55 Оммавий куйлар янгиликлари.

УзТВ

15.30 Олатовнинг қумуш шох. Бадий фильм. 16.45 Табиатшунослик. 17.15 Телефильм. 17.30 Жамиятшунослик. 18.00 Янгиликлар. 19.15 Ёшлик студияси кўрсатади. 18.45 Сайловлар олдидан. 19.15 Пахтакорларнинг қўлағи юмушлари. 19.45 Комсомол прожектори. 20.00 Ахборот. 20.20 Манзара-ли фильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Экранда — «Ўзбекфильм» киностудиясининг фильмлари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 Тренер. Бадий фильм. 20.50 Реклама. 21.00 Объективда — қайта қуриш. 21.30 «Время». 22.15 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Жума, 17 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Болалар учун фильм. 10.20 Янгиликлар. 10.30 «Инсон институти». 11.30 Капитанлар ороли. Мультфильм. 12.00 Халқ чолгу садолари. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Кишлоқ истиқболлари. 16.55 «Дўстлар даврасида». 17.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 17.55 Кувноқ сартлар. 18.40 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 19.50 Мультфильм. 20.00 Фигурали

учиш. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Бу бўлган... бўлганди. 22.30 Нигоҳ. 24.00 Катталар учун мультфильмлар.

MT II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Объективда жониворлар. 9.35, 10.35. Музыка. 10.05 Инглиз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35, Музыка. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Кафедра. Бадий фильм. 2-серия. 14.10 Янгиликлар. 14.20 Ритмик гимнастика. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Хужжатли фильм. 18.05 Концерт. 18.35 Фестиваль экранни. 19.35 Хужжатли фильм. 19.55 РСФСР шаҳарлари теле-студиялари. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 СССР халқ артисти И. Кобзон концерти. 23.20 Хужжатли фильмлар премьераси. 23.50 К. Вебер. «Оберон», операсига увертюра. 24.00 Футбол. «Спартак» — «Динамо» (Минск). 2-тайм. 00.50 Янгиликлар.

УзТВ

15.20 «Мен сизни севардим». Бадий фильм. 16.45 География. 17.15 Телефильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.25 «Ўғлим ҳақида». Хужжатли фильм. 18.50 Тилга эътибор. 19.30 Бригада хўжалик ҳисобига ўтди. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Бастакорлар ҳақида ҳикоялар. Р. Турсунов. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хат ва ҳаёт. 23.00 Чет эл киноси усталари. Р. Канур.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ўтган кунлар». Бадий фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Венецияда карнавал. Телефильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 ФРУНЗЕ КўРСАТАДИ.

Шанба, 18 март

MT I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 Уй академияси. 9.55 Хужжатли фильм. 10.10 Кинорежиссёр Х. Нордлев фильмлари. 11.40 Социализм мамлакатларида. 12.10 Қалмиқ халқ шоири Д. Кугультинов билан учрашув. 13.40 Париж коммунаси кунига. 14.00 Шанба — ота-оналар кунини. 15.30 Дунё воқеалари. 15.45 Йил фесллари. Март. 16.45 Мўъжизасиз мўъжизалар. 17.45 Халқаро программа. 18.45 Кино билимдонлари конкурси. 20.00 Фигурали учини. 21.30 «Время». 22.05 Боткоқлик. Бадий фильм. 1-серия. 23.15 Янгиликлар. 23.20 Боткоқлик. Бадий фильм. 2-серия.

MT II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.50 Кишлоқ янгиликлари. 9.50 Талабларингизга биноан тақдорланади. 10.50 Хужжатли фильмлар. 11.40 Шахзода Флоризелининг саргузаштлари. Бадий фильм. 1-серия. 12.45 Эфирда музыка. 14.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 15.30 Мультфильм. 16.15 Хужжатли фильм. 16.35 Телевизион музикали абонемент. 17.40 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.25 Булутлар ранги. Фильм-спектакль. 20.20 Реклама. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Молдавиянинг юксак маҳоратли халқ санъаткорлари. 21.15 Хужжатли

фильм. 21.30 «Время». 22.05 Фильм-концерт. 22.25 Футбол. «Днепр» — «Зенит». 00.05 Янгиликлар. 00.10 Оммавий куйлар янгиликлари.

УзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 11.00 Қайта ишлаш тармоқлари тез суръатлар билан ривожлантирилсин. 11.30 Қани йўлга. 12.00 Г. Доничетти. «Кўнгирикча» Самарқанд Давлат опера ва балет театрида комик операнинг сўхналаштирилши. 13.10 Рассом ва китоб. 13.45 Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун. 14.20 Заманасиз. 15.20 Амадаги интернационализм. 17.45 Мактаб ўқувчилари учун. 18.15 Оламга савҳат. 19.00 Маорифимиз муаммолари. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Эстрада калейдоскопи. 21.30 «Время». 22.05 Рақс санъати усталари. 23.10 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.55 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

Якшанба, 19 март

MT I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото тиражи. 9.40 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Оламга савҳат. 13.00 Эртақ ҳузурида меҳмонда. Довюррак павловон Фэт-Фрумос ҳақида қисса. Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 15.20 Музикали кинос. 15.50 Оси эшиклар кунини. 16.35 Фигурали учини. 17.30 Кишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.20 А. Косенков. Мулоҳаза учун бир неча. Телеспектакль. 21.30 «Время». 22.05 М. П. Мусоргский тўғилган кунининг 150 йиллигига. 22.20 Музикали ринг. 00.50 Янгиликлар.

MT II

8.30 Зарядкага сафланинг. 8.45 Хужжатли фильм. 9.15 Концерт. 9.45 Украина ССР давлат телерадиоси. 10.45 Шахзода Флоризелининг саргузаштлари. Бадий фильм. 2 ва 3-сериялари. 12.55 Хужжатли фильмлар. 13.40 Б. Можаяв. Ёмғир ёғади. Телеспектакль. 15.40 Агар сиз... 16.25 Мультфильм. 16.45 Архитектура ёдгорликларида музика. 17.15 Цирк нима? 17.55 Талабларингизга биноан тақдорланади. 19.15 Киносерпантин. 4-сонини. 1-дубль. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Киносерпантин. 2-дубль. 21.30 «Время». 22.05 Киносерпантин. 3-дубль. 00.35 Янгиликлар.


УзТВ

9.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 Оила даврасида. 11.00 Биргаликада куйлаймиз. 11.25 Спорт программаси. 12.25 Концерт. 13.35 Халқ севган достонлар. 14.35 Сайловлар олдидан. 15.15 «Тошкент» студияси кўрсатади. 16.10 Реклама. 17.45 Мультфильм. 18.00 Ўсмирлар учун. 18.45 Бугун — уй-жой-коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини. 19.15 Мультфильмлар. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Насийти. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.50 ДУШАНБА КўРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •



СПОРТ

УНИН ЧИРЧИҚДА БУЛАДИ

✦ «ПАХТАКОР» марказий стадион реконструкция қилинаётганиги туфайли тошкентлик футболчиларнинг бугун «Кузбасс» (Кемерово) командаси билан СССР кубогини учун бўладиган ўйини Чирчиқ шаҳрига кўчирилди. «Сельмашчи» стадионда ўтказиладиган бу учрашув вақти — соат 17.00 да. Футбол мухлисларини Чирчиққа таклиф қиламиз.

РАДИОННИНГ ЯНА БИР ГАЛАБАСИ


✦ ЛАНГАР билан сакрашда жаҳон рекордини ўрнатган тошкентлик Раднон Гатаули Греция пойтахти Афинида ўтказилган халқаро мусобақаларда яна зафар қўчди. У 590 сантиметр баландликдан ошиб ўтиб мусобақанинг бош совринини қўлга киритди. Олимпиадалик Г. Егоров 370 сантиметр натижа билан учинчи, ригалик А. Обюкаев 360 сантиметр натижа билан бешинчи бўлди.

ЕШЛАР ҲАЙОТЛАРИ

✦ РЕСПУБЛИКА ёшлари спорт ўйинлари программасидан жой олган суз полоси мусобақалари давом этмоқда. Икки турдан сўнг қасаба союзулари кўнгилли спорт жамияти ва «Меҳнат резервлари» командалари иккитадан галаба билан пешқадамлик қилишмоқда. Кеча учинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

ЮЗ КАТАҚДА

✦ ЭРКАКЛАР ўртасида халқаро шашка бўйича СССР олий лига чемпионати Тошкентда бошланди. Бунда жаҳон ва Европа биринчиликлари олинди, қатор йирик халқаро турнирларнинг совриндорлари, мамлакатнинг энг кучли спортчиларидан 18 киши қатнашмоқда. Уч турдан сўнг собиқ жаҳон чемпионлари, москвалик В. Шчеголев ва харьковлик В. Виринийлар иккитадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Тошкентлик Николай Мешчанский учта ўйини дурани қилиб 1,5 очко тўплади.



В. С. МИТРОФАНОВ номидagi Тошкент суз спорт саройининг 25 йиллигини нишонлади. Ана шу давр мобайнида бу ерда сузши, суз полоси, синхрон сузши ва сузга сакраш бўйича кўплаб разрядли спортчилар, чемпионлар еттишди. Жаҳон чемпиони ва олимпиада ўйинлари олинди Эркин Шагаев, олимпиада совриндорлари Светлана Бабанина, Наталья Устинова, Сергей Конов, Сергей Заболотнов, Лариса Белоконов ва бошқа спортчилар илк қадамларини шу ерда бошлашган. Бугунги кунда спорт саройида 25 мингга яқин ҳаваскорини сафига жамлаган 1300 дан зиёд соғомлаштириш гуруҳаси ишлаб турибди. СУ-ВАТЛАРДА: суз спорт саройининг кўриниши ва ёш спортчиларининг машғулот пайти.

Ф. Қурбонбоев фотолари. (УзТАГ).

КАПЛАННИНГ ТАҚДИРИ

Хурматли редакция! Илтимос, мени қизиқтираётган қуйидаги саволларга жавоб берсангиз: Улуғ дохийимиз Владимир Ильич Ленинга ўқ узган хотин — Капланнинг тақдири нима бўлган? У ушлангандан кейин суд қилинганми ёки ўлдирилганми? Баъзи одамлар Каплан то 1942 йилгача Магаданда яшаган дейишади. Шу тўғриси? Ана шу ҳақда аниқ маълумот беришингизни сурайман.

Х. ВОСИДОВ,
Бекобод шаҳри.

1918 йил 30 августда Владимир Ильич Ленин Замоскворецк районидagi собиқ Михельсон заводи (ҳозирги В. И. Ленин номли завод) ишчилари олдида нутқ сўзлади. Дохий бу митингга ўз нутқини тамомлаб, автотомобилга яқинлашиб келганида, эсер-террорчи аёл Каплан Ленинга ўқ узиб, уни икки жойидан ярадор қилди. Владимир Ильич кўксига отилган бу ўқлар заҳарланганди...

Хўш, пролетариатнинг буюк дохийси ҳаётига суиқасд қилган эсер аёлнинг кейинги тақдири нима билан тугади? Бу саволга жавобни П. Д. Малковнинг «Кремль комендантлари хотиралари» китобидан (бу китоб 1987 йили Москвадаги «Воениздат» нашриёти томонидан чоп этилган) билиб олиш мумкин.

Муаллиф, хусусан, шундай деб ёзади: Владимир Ильичга суиқасд қилинган кунгиде, 1918 йил 30 августда, Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг «Ҳаммага, ҳаммага, ҳаммага» деб номланган ва Я. М. Свердлов томонидан имзоланган машҳур қақирғи чоп этилди. Унда инқилобнинг барча душманларига қарши шафқатсиз, оммавий террор эълон қилинганди.

Бир ёки икки кундан сўнг мени Варлаам Александрович Аванесов (Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети секретари) қақиртирди.

— Зудлик билан ЧКга бориң-у. Капланни олиб кел. Уни шу ерга, Кремлга жойлаштириб, ишончли соқчилар қўй.

Мен машина қақиртириб, Лубянка томон жўнадим. Капланни олиб Кремлга келтиригач, Катта саройнинг Болалар бўлини маси остидаги ярим ертўла хонага қамадим. Хона кенг ва баланд эди. Панжара билан тўсилган дераза пол сатҳидан 3—4 метр юқорида эди.



Эшик ва дераза қаршисига постлар қўйиб, соқчиларга маҳбусдан кўз уямаслигини қатъий таъинладим. Соқчиларни фақат коммунистлар орасидан шахсан ўзим танлаган ва ҳар бирининг вазифасини ҳам шахсан ўзим тушунтириб бергандим. Латиш ўқчилари Капланни эътиборсиз қолдиришлари мумкин деган нарсга ҳаёлимга ҳам келгани йўқ, бошқа нарсадан тўғридан: соқчилардан биронтаси уни отиб қўямасин деган хавотирда эдик.

Яна бир икки-кун ўтгач, Аванесов тагин мени қақиртириб, қўлимга ВЧКнинг қарорини тутқади: Каплан — отилсин, ҳукмини ижро этиш Кремлнинг комендант Мальков зиммасига юклатилсин.

— Қачон? — қисқа қилиб сурадим Аванесовдан. Доим раҳмдил, кўнгилчан Варлаам Александровичнинг юзидagi бирор томир қилт этмади.

— Бутуноқ. Зудлик билан.

— Ести! Кескин бурилиб Аванесов хонасидан чиқдим ва комендатура томон йўл олдим. Ўзим жуда яхши билган латиш коммунистларидан бир нечасини қақиртириб, уларга бор тапни батафсил тушунтиригандан сўнг, биргаликда Капланни олиб чикиш учун жўнадик.

Бўйруғимга биноан соқчи маҳбус қўриқлабётган хонадан Капланни олиб чиқди, биз унга олдиндан ҳозирлаб қўйилган машинага чиқишни буюрдик.

1918 йилнинг 3 сентябри, кундузи соат 4 да дохийнинг тўкилган қони учун ўч олинди. Хукм ижро этилди. Хукмни мен, большевиклар партияси аъзоси, Болтик флоти матроси, Москва Кремль комендант Павел Дмитриевич Мальков — ўз қўлим билан ижро этдим. Агар тарих яна қайтарилиб, менинг тўп-понам оғзи рўпарасида, Ильичга қўл кўтаришга ботинган махлуқ турғудай бўлса, қўлим ҳеч қалтирмаган холда, аввалгидек қатъий билан, бармоғим тепкини босган бўлур эди...

Ўртасига, 1918 йил 4 сентябрь кун «Известия» газетасида қисқа ахборот босилиб чиқди:

«Кеча, ўртоқ Ленинга ўқ узган ўнг эсер Фанни Ройд (Каплан) ВЧК қарорига биноан отиб ўлдирилди».

Башариёт пролетарлари дохийсига ўқ узган аёл тақдирига ана шу тарзда нуқта қўйилди...

ҚАЙСИ ЛАВОЗИМЛАРДА ИШЛАГАН?

И. В. Сталин РКП(б) Марказий Комитети Бош секретари бўлгач, упрининг охиригача шу лавозимда қолганми?

Л. ҒУЛОМОВА,
ишчи.

Иўқ. И. В. Сталин 1922 йилнинг апрелидан 1934 йил февралгача, яъни 12 йил мобайнида РКП(б) — ВКП(б) Марказий Коми-

УРУШДАН КЕЙИНГИ ПРЕЗИДЕНТЛАР

АҚШнинг Рузвельтдан кейинги президентлари қуйиномларини билмоқчи эдик. Улар қайси партияларга мансуб эдилар?


А. МУЛЛАХОНОВ,
ўқитувчи.

1948 йилдан бошлаб, АҚШ президентлари қуйидаги тартибда сайландилар (қавс ичида уларнинг қайси партияга мансублиги кўрсатилган):

тети Бош секретари, 1934 йилдан 1953 йилгача ВКП(б) — КПСС Марказий Комитети секретари ва 1941 йил ма-йидан 1953 йил мартгача Халқ комиссарлари Совети — СССР Министрлар Совети раиси ефатида фаолият кўрсатган.

Гарри Трумэн (демократлар), Дуайт Эйзенхауэр (республикачилар) — 2 марта, Джон Кеннеди (демократлар), Линдон Джонсон (демократлар), Ричард Никсон (республикачилар) — 2 марта, Жеймс Картер (демократлар), Рональд Рейган (республикачилар) — 2 марта, Джорж Буш (республикачилар).

РАССОМ КУЛАДИ



Қайта қуриш ва мерганли.

Директор: — Корхонамизнинг тутуни етмаганди, сен зум-раша нега иқолини синдириятсан-а.

И. Жиянов ва Х. Содиков чизган расмлар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке

Редакция адрес:
700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-43,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.